

ХОЖИ МЕНГНАЗАР РУСТАМ ЎГЛИ

ҳаётин



# ДАРД БОРКИ, ДАРМОН БОР

1-китоб



ТОШКЕНТ  
«CHASHMA PRINT»  
2010

Менгназар ҳожи Рустам ўғли табобат тарихида, илму фанда аллақачон маълум бўлган, балки, бундан олдин ҳам бошқа кўплаб китобларда баён қилинган масалаларни ўзи учун янгидан кашф қилган. Ўз меҳнати, тажрибалари, изланишларига таяниб, юздан ортиқ касалликнинг даволарини, юздан ортиқ шифобахш ўсимликларнинг хусусиятларини ушбу рисолада баён этган.

ан ус-

*Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир:*  
**Мирзо КЕНЖАБЕК**

*Махсус муҳаррирлар:*  
**Шавкат РУСТАМОВ**

ISBN 978-9943-350-35-9

© Ҳожи Ментназар Рустам ўғли,  
Мирзо Кенжабек, 2010  
© «Chashma Print» МЧЖ нашриёти, 2010

## Сўз боши

Ушбу «Дард борки, дармон бор» китоби Ҳожи Менгназар Рустам ўғлиниң табиатга, табобатга бўлган қизиқишилари натижасидир. Зоро, унинг касбга муҳаббати, ҳаётий тажрибалари табобатда эришган натижаларидан устундир.

Ушбу китоб уч бобдан иборат бўлиб, 1-боб: «Ўт-гиёҳлар ҳикмати» деб номланади. Ўсимликлар оламининг ҳикматини инсон тўлиқ идрок эта олмаса ҳам, уларниң шифобахш хусусиятлари тиббий китобларда зикр қилинади. Бу бобда аввал шифобахш ўт-гиёҳлар баён қилиниб, уларниң нималарга даво экани баён қилинади.

2-боб «Ҳар дарднинг шифоси бор» деб номланган бўлиб, бу бобда кишилар ўртасида учраб турадиган дардлар ва уларниң давоси ҳақида маълумот берилади.

3-боб «Нозик дардлар ва нозик шифолар» деб номланган бўлиб, бу бобда инсон ошкор этишга истиҳола қиладиган баъзи нозик дардларнинг шифолари ҳақида сўз юритилади.

Рисола муаллифнинг илк тажрибасидир, шу боис у камчилик ва нуқсонлардан холи эмас. Чунончи, баъзи масалалар такрорланиши мумкин.

Ҳар ким ўз дардига ўзи даво қила олмаслиги мумкин, лекин рисола ўқувчини ўсимликлар оламига ҳурмат билан қараашга, табиатни муҳофаза этишга, борлиқ оламининг ҳикматини тафаккур қилишга, дардга бефарқ бўлмасликка ундейдики. Бу китобхонларга, айниқса ўсиб келаётган баркамол авлодга экологик тарбиядан сабоқ берали, деб умид қиласиз.


Мирзо Аҳмад ХУШНАЗАР



## ХИНА

1. Ҳул хина барги, ёнғоқ барги билан қўшиб туйилиб, бошга боғланса, бошдаги совуқдан бўлган оғриқларга даво бўлади. Мияда тўплланган балғам ва турли хил хилтларни кувади (2 маҳал).

2. Хинани кашнич билан янчиб, чакка ва пешонага боғланса, кўздан оқиб келаётган рутубатларни тұхтатади. Кўз кувватини оширади. Хинани қайнатиб, оғзи куйган гўдакларнинг оғзи артилса, ёки фарфара қилинса, шифо топади. Қайнатмаси ошқозон, жигар, пешоб йўллари, ба-чадон каби касалликларга фойда қиласди.



## ЗАРЧУБА

1. Талқонини 3,5 грамм олиб, оқ шарбат ва 3,5 грамм арпабодиён билан ичилса, кўзни равшан қиласди. Жигар тиқилмаларини очади, жигар сўлиши, сариқ касалга «гепатит» даво бўлади.

2. Зарчубани озгина қайнатиб, илиқ ҳолда тиш чайилса, оғриққа шифо бўлади.



## САРИМСОҚПИЁЗ

1. Саримсоқпиёз шишлиарни қайтаришда, бўғинлар қурий бошлаганда, қон куюқлашганда суюлтиришга ёрдам беради.

2. Пешоб ҳайдашда, ҳайз кўришда кўлланади ва заҳарли нарсалар чаққанда ишлатилади.

3. Саримсоқпиёзни фасллар давомида меъёрига қараб истеъмол қилинса, аъзойи баданинг саломатлигини меъёрида ушлаб туради. Агар у узум сиркаси билан аралаштириб истеъмол қилинса, нафас қисиши, астма, склероз (хотир-фаромушлик), шол бўлиш, бетнинг бир томонга қараб тортилиши, асаб касалликларига, бўғинларнинг оғришига, бел



оғриғи (радикулит) каби дардларга даво бўлади. У меъдадан ҳар қандай қуртларни тушириш қобилиятига эгадир.

4. Агар эркак кишининг орқаси совуқ бўлса, саримсоқни истеъмол қилса пушти бақувват бўлади. Саримсоқпиёзни қоидалариға риоя қилиб истеъмол қилса, ўлка, меъдани даволашда, томчилаб сийишда, буйрак тошини майдалаб туширишда, илон чаққанда, ит тишлаганда даво бўлади.

5. Агар саримсоқпиёз доимо истеъмол қилиб турилса, сочни қорайтиради.

6. Саримсоқпиёз зира ва санобар барги билан пишириб истеъмол қилинса, тишларни мустаҳкамлайди.

7. Агар қўйнинг сутини қайнатиб, мол ёғи билан қовуриб, асал билан аралаштириб, ҳолва қилиб истеъмол қилса, ҳаракат аъзоларини бақувват бўлишида катта ёрдам беради.

8. Агар саримсоқпиёзни саратон чилласида меъёридан кўп истеъмол қилинса, зарар қиласди. Бош оғрийди, қонни куидиради, кўзни хиралаштириди, ўпкага зарар қиласди. Саримсоқни сувда қайнатиб, ширин бодом ёғи, туз ёки сариёғ билан истеъмол қилса, зарар қилмайди.

9. Суви кўзга томизилса, кўзнинг тагидаги қора губор кетади.

10. Саримсоқпиёзни сирка билан аралаштириб бир кеча қўйиб, фарфара қилинса, томоқ оғрифига шифо бўлади.

11. Саримсоқпиёзни хамир ёки атиргулга аралаштириб, қурамса чўққа кўмилса, пишириб тишга суртилса, унинг оғригини пасайтиради.

12. Саримсоқпиёзни сутда қайнатиб, хамирга қўшиб қориб, кўр яра ёки чипқонга қўйиб боғланса, ёриб юборади.

13. Саримсоқпиёзнинг кулига асал қўшиб аралаштириб, пес доғига ва терининг оқ доғига суртилса, даво бўлади.

14. Саримсоқпиёзнинг поя ва баргини сувда қайнатиб то киндиккача шу сувда ўтирилса, ҳайз кўришнинг равон бўлишида ва сийдик ҳайдашда ҳамда бачадон йўлдошини туширишда ёрдам беради.

15. Неча жойларда қайд этилганидек, фалаж касалликларига чалинганда, биринчи кун 1 дона, иккинчи кун 3

дона ва ҳар куни 1 донадан ошириб 40 кунда 80 дона, яна 41-кундан бошлаб 1 донадан камайтириб борилса, 80-кунда 1 дона еб охирига етказилса, фалаж касаллигидан фориғ бўлади.

Парҳези: сут, қатиқ, нұхат, қовурма овқатлар, ловия, балиқ, қўй гўшти, тухум ва мошли овқатларни тўла яхши бўлгунча истеъмол қилинмайди.

16. Кулига асал қўшиб темираткига суртилса, фойда қиласди.

17. Кули эски йирингли яраларга суртилса, фойда қиласди.

18. Тоғ ялпизи билан қўшиб қайнатиб, 3 маҳал бир ош қошиқдан ичилса, бит, сиркалар ўлади.

19. Агар унинг кули асал билан қўшиб ичилса, дикқи-нафас касаллигига ва кўз остидаги қон талашга суртилса, фойда қиласди.

20. Саримсоқлиёзга сабзи ва зайдун ёфини қўшиб пи-ширилгани истисеко (қоринда сув йиғилиши)га фойда қиласди (даволаш 20 кун).



### ТАТИМ (уруги)

1. Қайнатмаси балғам ва кўнгил айнишини кетказади.
2. Қайнатмасига пахтани тўйинтириб суюк бўғинлари тойган жойларига боғланса, фойда қиласди.
3. Қулоқ йирингига қайнатмаси томизилса, йиринг тўхтайди.
4. Милк ва оғиздаги ёмон яраларга ғарфара қилинса, фойда беради. Бир ош қошиқ олиниб, 3 дақиқа ушлаб, сўнг тўкиб ташланади.
5. Қайнатмасига пахтани тўйинтириб, боғлаб қўйилса, урилган жойда қон қулоқлашиб қолишининг олди олинади (ҳар куни 2 маҳал, даволаш муддати 10 кун).



### ПАРДАРЎСАК

1. Ҳўллигига сиқиб олинган мева суви йиринглаган қулоққа томизилса, шифо бўлади.

2. Суви нафас қисишига, чанқашга шифо бўлади.  
3. Талқони 5 кун 3 маҳал 1 чой қошиқдан капаланса, сафрони пешоб орқали сиқиб чиқариб юборади. Турли гижжа ва қуртларни туширади, пешобни ҳайдайди, ичак, буйрак оғриқларига қайнатмаси 15 кун 3 маҳал 50 гр. дан ичирилса, шифо бўлади.

4. Ҳар куни 35 граммдан меваси истеъмол қилинса, сариқ касалга даво бўлади.

5. Мевасидан сиқиб олинган суви қуёш тифига қўйилиб, қулоқ ҳолга келтирилади. Шуни бадандаги шишларга, бавосилга қўйилса, шифо топади.

6. Лекин кўп истеъмол қилинса, ақлни бежо ва девона қиласди.



## БАЛДИРФОН

1. Елимини 1 маҳал 1 таблетка миқдорича саҳарда капаланса, зеҳнни ўткир қиласди, эслаш қобилиягини куайтиради.

2. Уни бир кечакундуз асал аралашган сирка (исканжубин)да ивитиб, қўшиб ичилса, иситмани туширади, сариқ касалга даво бўлади.

3. Балдирфонни малҳам қилиб чипқон ва яраларга қўйилса, тезлик билан ёради ва маддаларини ташқарига тортиб чиқаради.

4. Балдирфон совуқдан бўлган бош оғриқларига, фалаж, тутқаноқ ва карликка даво бўлади.

5. Унинг елимини мол ёғига аралаштириб суртилса, кўз хиралашганини яхшилайди. Кўз гавҳаридан йиғилган зардобларни йўқотади.

6. Елимини зайтун ёғига қўшиб қайнатилса, қулоқ оғриғига ва карликка фойда қиласди (10 кун 3 маҳал томизилади).

7. Кулоқ фувиллашига ҳам фойда қиласди (ҳар куни 3 маҳал томизилади).

8. Тишга курт тушса, елимини тиш ковагига тиқиб қўйилса, қуртни ўлдиради.

9. Елимини озгина олиб, анжир мевасига қўшиб истеъмол қилинса, сариқ касал тузалади.



## КУЧАЛА

1. Кучала чорва моллари учун заҳарли бўлиб, бу дорини иложи борича жуда зарур ҳолларда ва эҳтиёткорлик билан ишлатиш лозим. Қувватсизлик, фалаж, шол ва асаб касалларида илдизи сут ёки шакар билан аралаштирилиб, 1 бүғдой донаси катталигига З маҳал истеъмол қилинади.

2. Кучала илдизини туйиб, асалга қўшиб қайнатилса, З маҳал чигит катталигидай миқдорда истеъмол қилинса, кишини бақувват қиласи, фалаж, шол ва асаб касалларига фойда қиласи.

## КУНГАБОҚАР

1. Гулини янчиб, шишлигарга қўйиб боғланса, шишлигини қайтаради. Ҳулини сиқиб, суви ичилса, меъда ва жигардаги тиқилмаларни очади. Мияни тозалайди, асаб, қовуқ оғрифига гулининг суви суртилса, шифо топади.

2. Гулининг сувини 7 кун З маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, бавосил, ўпка сили, сариқ, истисқо (водянка) касаллари шифо топади, пешоб ва ҳайзни ҳайдайди.

3. Агар илдизининг сувини олиб, оғриган тишга қўйилса, даво бўлади, баргининг сувидан 15 грамм ичилса, қаттиқ қустиради ва меъданни тозалайди.

4. Гулининг барги ва илдизчалари янчилиб боғланса, бўғин, радикулит, подагра касалларига фойда қиласи.

## ШИРИНМИЯ

1. Ширинмия қайнатмасини З маҳал 2 ош қошиқдан овқатдан 30 дақиқа олдин ичилса, пешобни ҳайдайди. Нрафас қисишига фойда қиласи. Астма, ўпка касали, жигарга фойда беради.

2. Асаб, бавосил, эски иситма ва йўталларга фойда қиласи.

3. Ҳар куни 1,75 грамм ширинмия томирини олиб 1 грамм шакар ва аррабодиён қўшиб истеъмол қилинса, юз рангини тиниқ қиласи, ел ва эски иситма, бош оғрикли-

ри, күз олди қоронғи бўлишига даво қилади. Шу давони ҳамал ойининг бошидан бошлаб саратон ойининг бошига қадар давом эттирилса, албатта шифо бўлади.

4. Пўсти тозаланган 14 грамм томирни, илиқ сувга солиб қўйиб, шу сувни муттасил ичиб юрилса, қалит (куланж) яъни тутқаноқ касалига даво бўлади. Яна шу томирни қайнатиб ичилиб, қайт қилинса, ичдаги кераксиз ва заарларни моддаларни чиқариб ташлайди.



## ТҮТИЕ

1. Тўтиёнинг ювилган суви саратон (рак) яраларига 3 маҳал суртилса, фойда қилади.

2. Кўзга суви томизилса, кўз қатламларига кирган ёмон чиқиндиларни қайтаради, нурни кўпайтиради.

3. Бавосил яраларига атала қилиб суртилса, фойда қилади.



## ШАФТОЛИ БАРГИ

1. 600 грамм сувга 2 ош қошиқ талқонини ташлаб, 15 дақиқа дамлаб иссиқ ичилиса, бош оғриги тузалади.

2. Ҳўл барг суви томизилса, қулоқ куртини ўлдиради.

3. Чой қилиб 3 маҳал 4–5 пиёладан иссиқ-иссиқ ичилиса, ёнбош оғрифига фойда қилади.

4. Сувига пахтани тўйинтириб, киндикка ёпиштириб боғлаб қўйилса, куртлар ўлади.



## СИГИР ҚҮЙРУҚ

1. Илдизи қайнатмаси сийдик ҳайдаш, буйрак тошини ҳайдаш учун ишлатилади. Спиртда тайёрлангани қўл-оёқ бўғинларида оғриқ жойига суртиш, лат еган жойига компресс қилиш, гипертония, паришонхотирлик, нафас йўллари шамоллашида ишлатилади. 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин 2 ош қошиқдан ичиш керак.

2. Гулининг қайнатмаси Эса кўййутал, бронхиал астма, яллиғланиш, ҳансирашда ўраб олувчи модда сифатида

оғриқ тұхтатади. Меъда, ичак, томоқ, жигар оғриқларини йүқтөді.

3. Барги қайнатмаси бавосил, тиш оғриғи, күз оғриғи, йұтални даволайди.

4. Гули қайнатмаси үпка, бронхиал астма, меъда, ичак, үт, оғиз яраларига, соч тұқишишіга яхши даводир.

5. Барги қайнатмаси шишиб чиққан яраларга ва жаро-хатларга суртилса ёки пахтани түйинтириб боғланса, ту-залади, янчыб сиқиб олинган суви жароҳат ва іозга суртилади.



### ДАЛАЧОЙ (уруги)

1. Қайнатмаси ревматизм, жигар, меъда яраси, ичбу-руғ, бүғин оғриғи, ангиналарга 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, оғиз яраларига ғарғара қилинса, яхши фойда қила-ди.

2. Уруг қайнатмаси буйрак, юрак, меъда, ичак, сил, пес, оғиз бүшлиғи ва шиллик қасалликларига даво. Қон кетишни тұхтатади, яраларнинг битишини тезлаштиради, гижжани туширади.



### ПҮКАК ИЛДИЗ (чиригани)

Эң яхшиси оқи – тез уваланади, әзганда тез майдаланиб кетади (қораси ёмон).

1. Оқини майдалаб, сув құшиб, атала қилиб, шишиларга суртиб боғланса, тузатади.

2. Мушаклар урилса, әзилса, қайнатиб, 2 ош қошиқдан ичилади.

3. Янчыб, асал құшиб ёки гулоб құшиб ичилса, иситмани туширади.

4. Сув билан талқони ичилса, тутқаноққа фойда қила-ди, миядаги тиқілмаларни тозалайди.

5. Жигар, сариқ қасаллигыда қайнатмаси 2 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

6. Бачадон бүғилишишіга фойда қиласы.

7. Эт увишишишіга, тиришиш ва эски иситмаларга 1 ми-

сқол (4–5 грамм)дан 3 маҳал 2 ош қошиқда ичилса, фойда қиласи.

## ҚАШҚАРБЕДА

1. Талқонига шинни ва шароб құшиб ичилса, орқа тешик, мояклар, бачадон шишига фойда қиласи.

2. Ҳүл яраларга талқони, шишиларга суви, мози, енгил лой билан құшиб суртилса, шифо топади. Қулоқ шишига фойда қиласи.

3. Қашқарбедани туйиб әлаб, шинни билан аралаштириб иссик өткізбек қаттиқ шишиларга суртиб боғланса, шифо топади.

## АРЧА УРУГИ

1. Тикан арча уруғи япалоқ бүлади, талқонига асал құшиб ишлатилса, ўйилған тиіш, ҳидланған ярага фойда қиласи.

2. Мевасини кунжут ёғига аралаштириб, темир идишда қайнатилиб, қулоққа томизилса, карликка фойда қиласи.

3. Талқони юрак ўйнаш ва хафақонликка фойда қиласи (3 маҳал 1 таблетка миқдорича капалаш лозим).

4. Қусиши, меъда, қорин дамига 3 маҳал ярим чой қошиқдан капаланса, касал тузалади.

## АБУ ЖАХЛ ТАРВУЗИ

1. Илдиз қайнатмасини 3 маҳал 2 қошиқдан ичилса, күёнчиққа фойда қиласи.

2. Илдиз қайнатмаси бүғин, радикулит, асаб касалліктери, бронхитни тузатади, қон босимини туширади, қон кетишни тұхтатади.

3. Илдиз кукуни фалаж, бачадондан қон кетиш, юрак фаолиятини яхшилайды.

4. Тайёрлаш: 1 чой қошиқ илдиз кукуни 10 грамм пахта ёки кунгабоқар ёғига қорилади, ҳосил бүлған қоришмани бүғинлар оғриган жойларга суртилади, бошқа соғ

жойларга тегмаслиги керак. Спиртдан тайёрланса, 7 кундан кейин суртилади.


5. Япрофининг суви қон оқиши, фил касали, бўғин, ёнбош оғрифига фойда қилади (15 кун 3 маҳал суртилади).

6. Илдиз қайнатмаси жигар сўлишига ёрдам беради.

7. Илдиз қайнатмаси қийналиб сийишга яхши ёрдам беради.

8. Баргининг суви шишларга яхши ёрдам беради.

9. Илдиз қайнатмаси мия тиқилмаларини тозалайди.



### ДЕВПЕЧАК

1. Томир тортиш, тиришиш, тутқаноқ, кекса кишиларга, савдо иллати бўлган кишиларга қайнатиб, 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичирилса, фойда беради.



### ЖИЙДА

Жијда қайнатмаси ични қотиради, ичимлик билан бирга истеъмол қилса, маст бўлиш секинлашади, қусиш тўхтайди, кўп пешоб чиқаришига, қайнатмаси кўнгил айнишига фойда қилади.



### РЎЯН (илдизи)

1. Қайнатмаси фосфат тузлар, буйрак ва қовуқ тошлини эритади (3 маҳал оч ҳолда 50 граммдан ичиш лозим), бундан ташқари пешоб йўлларидаги мускулларнинг ҳаракатини кучайтиради.

2. Хотираси сусайиб қолган киши илдиз қайнатмасига асал қўшиб, 3 маҳал 50 граммдан ичса, фойда беради.

3. Қайнатмаси оч ҳолда ичилса, пешоб ҳайдаш, пешоб тошига ҳам ёрдам беради.

4. Беланги, фалажга асал қўшиб 3 маҳал 50 г.дан ичилади.

5. Илдиз талқонига сирка кўшиб, темиратки ва бошқа доғларга суртиш ҳамда боғлаш керак.

6. Илдизи бўғин оғриқларига, сариқ касаллиги, қаб-

зият, пешоб ҳайдашга ишлатилади, жигар, талоқ ўсмаларини тозалайди, талқонини 3 маҳал 1 чой қошиқдан калаш фойда қиласди.



## АНОР ГУЛИ

1. Милк қонашига яхши янчилгани шифо бўлади. Эски яраларни битиради, дабба касалини тузатади (қайнатиб ичилади).
2. Қимирлаган тишларни мустаҳкамлайди.
3. Қайнатмаси ичилса, қон оқишини тўхтатади.
4. Йчни қотиради, бачадон оқмасидан қон кетиш ва ичак яраларини тузатади.



## УЗУМ СИРКАСИ – ДАВО

1. Сирка ич кетишни, қон кетишни тўхтатади, ташқаридан қон кетишга суртилади, шишлигарга боғланади. Балғамни кўчиради.
2. Сиркани ичиш, суртиш шишлигарнинг ёйилишига, бўшашига хизмат қиласди ва гангренани тўхтатади. Оловда куйганга сирка билан ҳўлланган жунни жароҳат устига қўйилса, ҳар қандай доридан тезроқ фойда қиласди.
3. Сиркани олтингугурт билан аралаштириб, бўғин оғриқларига суртилса, фойда қиласди.
4. Сиркани аччиқ тош билан аралаштириб, сувига гарфара қилинса, оғриган, қимирлаган тишларга фойда қиласди.
5. Сиркани қиздириб қулоқ ҳидланганда буғлатса, фойда қиласди (буғига қулоқ тутилади).
6. Сиркани қулоққа томизилса, қулоқ гувиллаши қолади.
7. «Тикка нафас»га қиздириб ичилса, фойда беради.
8. Меъдани ошлаб тозалайди.



## АЛОЭ (қайнатмаси)

1. Асал билан қўшилган аралашмаси урилишдан қолган изларни битиради, яраланганди милкни тузатади.

- Узум шарбатига құшиб түкиладиган сочларга суртилса, фойда беради.
- Битиши қийин яраларга, бурун ва оғиз яраларига ҳамда оқма яраларга фойда қилади.
- Бүғин оғриқларига асал құшиб қайнатиб, 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.
- Күз яраси, құтири, ичи күйишиб оғриғанни тузатади.
- Жигар тиқымаларини очади, сариқ касали тузалишига фойда қилади.
- Илиқ сув билан ичилса, ични суради.



## БЕХІ

- Пешоб ачишиб түшса, пешоб йүлиға сиқиб олинган суви 3 маҳал 3–4 томчидан томизилади.
- Кусиш ва хуморға қарши чанқоңни босади.
- Сиқиб олинган суви ичилса, «тикка нафас» олишда ёрдам беради, астма ва қон туфуришни тұхтатади.



## ЗИРА

- Зира талқонига бир чой қошиқ сирка аралаштириб ичилса, нафас олиш қийинлашғанда фойда қилади. Хафаконға талқонидан оч қолда 1 ош қошиқдан 3 маҳал капаланса, тузалади, ичакнинг бураб оғришига 3 маҳал ярим чой қошиқдан капалаб, орқасидан қайноқ сув ичилса, фойда қилади.
- Зирани туйиб, талқонига сирка аралаштириб, бурунга тиқиб ҳидланса, бурундан қон оқиши тұхтайди.
- Зирани сув билан атала қилиб, жароҳатларға суртилса, яхши битиради.
- Қайнатиб зайдун ёғига құшиб мояқ шишлиарига суртилса, фойда қилади.
- Қайнатмаси билан бетни ювса, силлиқ қилади.
- Зирани озроқ қовуриб, озроқ намакоб сепиб, талқонини 3 маҳал 1 чой қошиқдан капаланса, ел ҳайдайди.



## МҮМИЕ

1. Сут билан ичилса, пешоб йўлидаги яралар учун фойда қиласди.
2. Талоқ оғриғига бир чой қошиқ шакар кўшиб, буғдой катталигида 3 маҳал сув билан ичиш керак.
3. Ўпкадан қон туфурганда 3 арпа қатталигида олиб, шарбат билан ичилса (саҳарда 1 маҳал), фойда қиласди.
4. Бошнинг бир томони оғриғанга, совуқ бош оғриғига, тутқаноққа ва бош айланишига фойда қиласди (3 маҳал 1 ош қошиқ сутга буғдой катталигида солиб ичиш лозим).
5. Танада учрайдиган шиллик ўсмаларга, чиққан, синган, йиқилган, урилган, фалаж, ошқозон ва юз фалажларига 1 маҳал кечаси соат 1 дан кейин сутга буғдой катталигидай аралаштириб ичиласди.
6. Агар мүмиёга бир оз ун кўшиб, сувга аралаштириб, орқа тешикка оз-оздан 3 маҳал суртилса пешоб ушлаб туромаслигига фойда қиласди.

## ТАКАСОҚОЛ

1. Куритилган барги сепилса, яраларни битиради ва эски яраларга фойда қиласди. Қайнатмасини ичиш ва суртиш керак (гули баргидан кучлироқ фойда қиласди).
2. Илдизи кулоқ чиркини тозалайди, кулоқ яраларини куригади (қайнатиб 3 маҳал томизиш керак).
3. Барги, гули, илдиз қайнатмаси арпа суви билан ичилса, ўтка яраларини тозалайди. Шираси эски қон туфлашга фойда қиласди.
4. Барги, илдизи ва гул қайнатмаси меъданни мустаҳкамлайди.
5. Барг, гул қайнатмасига шарбат кўшиб ичилса, ичак ярасига энг кучли доридир.
6. Қайнатмаси ичилса ҳам, қўйиб боғланса ҳам, бачадондан қон кетишига фойда қиласди.
7. Илдиз қайнатмаси кулоқ карлигига фойда қиласди (3 маҳал томизиш керак).



## МОЗИ

1. Мозини туйиб, сувга солиб, ичак яраларига ва сурункали ич кетишгә 3 маңал ярим чой қошиқдан капаланса, фойда қиласы.

2. Мозини күйдириб, кулини сиркага аралаштириб, йириңг оқаётган яраларга күйилса, йириңг тұхтайди.

3. Тиіш емирилса, чириса, қайнатиб ғарғара қиласа фойда қиласы.

4. Мозини туйиб, сиркага аралаштириб, 1 сутка қолдириб, эртасига темираткига суртилса, уни кетказади.

5. Ивтилған суви сочни қора қиласы (суртиш керак).

6. Мозини арпа уни құшиб, темираткига суртилса, йүқотади.



## ОМИЛА

1. Капаланса, жинсий қувватни оширади, бавосилға асал құшиб суртилса, фойда қиласы.

2. Юракни кучли қилиб, фаҳмни оширади, мейдани тозалайди, чанқоқни босади, қусишини тұхтатади, иштаханни оширади (3 маңал 1 чой қошиқдан овқатдан 30 дақықа олдин капалаш лозим).

3. Қайноқ сувга ивитиб, 1 сутка қолдириб, яна талқон құшиб, атала қилиб суртилса, сочни қорайтиради.

4. Қон босимини камайтиради (бунинг учун капалаш керак).



## МОШ

1. Асаб оғриқларига, узилиш ҳамда әзилишгә узум шарбати ва зағарон құшиб, мошга аралаштириб боғланса, фойда қиласы.

2. Тизза оғриғига мош баргининг талқонига мол ёғи құшиб, аралаштириб боғланса, оғриқлар ва шишилар кетади.

3. Мошни қовуриб, талқонини ҳидласа, тутқаноққа фойда қиласы.





## ДУБ ДАРАХТИ

1. Қон кетиш, меъда, бавосил қасалликларида, оёқлар терлаганда, қайнатмасини 3 маҳал 50 граммдан ичилса ва суртиб боғланча, фойда беради.



## КУНАКУНЖУТ (ЁФИ)

1. Темиратки, бачадон ёпишиб қолганда, орқа тешик яраларига, иссиқ шишиларга суртилса, фойда қилади.

2. 3 маҳал 3 ош қошиқдан ичилса, ични суради. Қориндаги қуртларни чиқаради.

3. Чипқон, бавосил ва бошқа яраларга суртилади.



## СУНБУЛА

1. Сунбула илдизи қайнатмаси бачадондан қон кетишни (3 маҳал 50 граммдан ичилса) тўхтатади.

2. Талқони совуқ сув билан ичилса, кўнгил айниши қолади.

3. Бачадондаги шишиларга фойда қилади.

4. Меъда ачишини босади, узум шарбати кўшиб ичилса, томоқ оғрифига фойда қилади.

5. Қайнатмаси меъда тиқилмаларини очади, мускулларни бақувват қилади ва сариқ қасаллигига фойда қилади.



## ДОЛЧИН

1. Сирка кўшиб қайнатиб, доғларга, сутли тошмалар ва сепкилга суртилса, 15 кунда фойда қилади.

2. Унинг талқонини совуқ сув билан ичилса, кўнгил айниши қолади.

3. Талқони 3 маҳал 1 чой қошиқдан капаланса, йўтал қолади, кишини хурсанд қилади ва кўкракдаги чиқиндишларни чиқаради.

4. Бачадон, буйрак ва шишиларга фойда қилади.

5. Меъда, жигар ва истисқога (водянка) фойда қилади.



6. Ёввойи зира билан құшиб истеъмол қылса, орқага атала қилиб қўйса, бавосилга фойда қилади.

7. Узум шарбати солинган долчин пешоб қийналиб чиқишига яхши ёрдам беради (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш керак).

8. Долчин истеъмол қилинса ёки сурма қилинса, кўз пардаси ва қорачифига фойда қилади.



### ШИВИТ

1. Уруғини туйиб, қайноқ сувда 1 сутка ивитиб, сувичилса, қорин дамига фойда қилади (3 маҳал 100 граммдан).

2. Қайнатмаси ичаклар шишини жойига келтиради, мускулларнинг қисқариб-тортиб туришини даф қилади.

3. Қайнатмаси ҳиқичноқ, қорин дами, юрак, кўнгил айниши, юрак ўйнашига даво (3 маҳал 100 граммдан ичиш керак).

4. Қайнатмаси қорин оғрифи, ўтдаги тош, пешоб тошига даво (оч ҳолда 3 маҳал 200 граммдан ичиш тавсия этилади).

5. Уруғ қайнатмаси 3 маҳал 100 граммдан 10 кун ичилса, она сути кўпаяди.



### ИГИР (ЛУХ) ИЛДИЗИ

1. Илдиз пояси қайнатмаси, жигар, талоқ саратонига, йириングли яраларга, жароҳатларни ювишга, чекишга қарши 3 маҳал 100 граммдан ичилади.

2. Қайнатмаси бронхиал астма, ўтка сили, шамоллаши, бронхит, ревматизм, рахит, кўз хиралашишига, оғиз ҳиди, қулоқ оғрифи, асаб, ўт тоши, пешоб тошига 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин 50 граммдан ичилса, фойда беради.

3. Ўт пуфаги шамоллашида, қон босимини камайтиришда, танадаги микробларни ўлдиришда, меъда, 12 бармоқли ичак хасталигида даводир. Асаб тизимини жонлантиради.

Тайёрлаш: Игир томиридан 15 тани сирли идишга ташлаб, қайноқ сувда 30 дақықа тутиб турлади ва сузид олинади. Сүнг 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

4. Ошқозон, меъда, жигар, ичакларга, ич кетиш, балғам кўчириш, иситмага фойда қиласи.

5. Оғиз ярасида қайнатмасига оғиз чайлса, фойда беради.

6. Зарда, вабо, грипп, тошма яраларга, терлама каби юқумли касалликларда талқони 3 маҳал ярим чой қошиқдан капаланса, фойда беради.



## СЕДАНА

1. Седана ингичка ва қовоқ уруғига ўхшаган қуртларни ўлдиради, уни асал билан истеъмол қилинса, буйрак тошини туширади. 1 чой қошиқдан капаланса, иситмани туширади.

2. Кечаси сиркада ивтишиб, бурунга озгина тиқиб ётилса, бош оғрифи, сурункали бош оғрифи қолади.

3. Сирка қўшиб яралар ва қўтирга суртиш мумкин. Тумовга чўққа сепиб тутатса, ҳамма вирусларни ўлдиради.

4. Осилиб турган сўгал, холлар, доғ, айниқса, песни кеткизади (суртишиб боғлаш керак).



## ЗАҶФАРОН

1. Янчиб капаланса, рангни чиройли қиласи, сарамас касалига қайнатиб суртса, фойда қиласи.

2. Талқони қўзга суртилса, равшан қиласи, юракни бақувват қиласи (овқатдан кейин 3 маҳал чой қилиб ичиш керак).

3. Қайнатмаси юрак, нафас олишга кучли таъсир қиласи, талоққа яхши даводир.


4. Туғиши қийин, узоқ вақт дарди қўзғаб ётган хотинга заҷфарон қайнатмасидан иссиқ-иссиқ чой ичирилса, 1 соатда тугади.





## БАЛИЛА

1. Қайнатмаси меъданни тозалайди, йифади ва кучли қилади. Балила меъдага тенги йўқ доридир.
2. Тўғри ичак, орқа тешик оғриғида яхши фойда қилади.



## АКАЦИЯ МЕВАСИ

1. Қайнатмаси қон оқишни яхшилайди, сочни қорайтиради, милк касалига тухум оқи билан суртилса, фойда қилади, оловда куйганга, шишга, бўғин оғриғига, оғиз ярасига, қон кетиш ва ич кетиш, бачадон оғриқларида ишлатилади (3 маҳал 50 граммдан ичилади).



## ЮЛГУН

1. Қайнатмаси сурункали ич кетишига фойда қилади.
2. Тана шоҳларига шарбат қўшиб қайнатиб ичилса, талоққа фойда қилади (3 маҳал 50 граммдан ичиш тавсия этилади).
3. Эскирган балғамни туфлашга қайнатмаси фойда қилалиди (3 маҳал 50 граммдан).
4. Барги солиб қайнатилган шарбат билан оғиз чайилса, тиш оғриғи, тишнинг емирилишига фойда қилади.
5. Меваси битиши қийин яраларга сепилади.
6. Кули оловда куйганга сепилса тузатади.
7. Япроги тиш оғриғига, шишларга, суви оқиб кетаётган яраларга, чечак касалликларига қўйилади.
8. Қайнатмаси битларни ўлдиради (кийимлар солиб қўйилади).



## ЗАЙТУН ЁФИ

1. Буйрак, ўт, қовуқдаги тошни туширади. 30 соат рўза тутиб, 60 грамм ёғга 3 та лимонни сиқиб, сувини аралаштириб бирдан ичилса, тош тушади (3 марта такрорлаш лозим).
2. Кўзда эт, қон босими ва кўз оғриқларини кеткизади.



3. Узум фұраси суви билан құшиб аралаштириб, орқа тешік ва яраларға суртилса, фойда қилади.

4. Ич кетишига арпа суви билан қуюқ қилиб қоринга суртилса, фойда қилади.

5. Газак ўти билан құшиб, бураб оғриган қоринга суртилса, оғриқ қолади.

6. Зайтун ёғи истисқо касалида қоринга суртилади.

7. Эски күз хиралашишига фойда қилади.

8. Чаён солинган зайтун ёғи әнг құмматли дори. Кулок оғриғига томизилса, яхши фойда қилади.

9. Үтда куйғанга, бүғин оғриқларига фойда қилади, чиркли яраларни тозалайды. Бош оғриғига фойда қилади. Қонайдиган милкіларға суртилса, оғиз чайлеса қимирланған тишларни маңкамлайды.

10. Шишиң ва тошмаларға, яраларға, сарамасға, күкрак шишига, иссиқ шишларға суртилса, йұқотади.

11. Сочға күп суртилса, сочни сақтайди, қорайтиради.



## КАШНИЧ

1. Яңги узиб олинған кашнич сувига асал ва зайтун ёғи құшиб, милк шишларига суртилса, тузалади.

2. Ҳұлини оқ ёғда қовуриб, 3 маҳал истеъмол қиласа, қайт қилиш тұхтайди.

3. Куругини қайнатиб, оғиз чайлеса, фойда қилади.

4. Ҳұлининг суви бурунға 3–4 марта томизилса, қон кетиши тұхтайди.

5. Сувини ётишдан олдин 1 марта 60 грамм микдорида ичилса, киши тинч ухлайды.

6. Уруғи ёки барғи овқатға солиб истеъмол қилинса, тутқаноққа фойда қилади.



## АНЖИР

1. Аңжир меваси қайнатмасини томоқ, кулок ости шишларидан ичилса, фойда қилади. Шишларға құйиб боғланади, анор пүсти ва оқ қант билан құшиб ишлатылса, милк касалини даволайды.

2. Тузалиши қийин шишларга меваси эзіб боғланади.
  3. Қайнатмаси ичилса, суртилса, темираткига, эшакемига даводир.
  4. Ёғочининг кули чиркли яраларни даволайди (қаймоқ құшиб суртилади).
  5. Ҳұл ва қуруқ анжир тутқаноққа ёрдам қиласы (3 маҳал 5 тадан 1 ой ейиш керак).
  6. Хом талқони бөш яраларига сепилса, фойда беради.
  7. Анжир жигар ва талоқ тиқилмаларини очади.
  8. Куритилған анжир барги ва илдиз қайнатмаси мөнда, ичак ва камқонлик касалларини даволайди. 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин 100 граммдан ичиш тавсия этилади.
  9. Ич қотиш, пешоб ҳайдаш, нафас қисиши, балғам күчиришда меваси сугда қайнатилиб, 3 маҳал 100 граммдан ичилади. Даволаш муддати 10 кун.
  10. Барги, ёш новдалари, етилмаган сутсимон мевалари шириңчаларга, сүгалларга, буйрак тошмаларига қайнатиб, 3 маҳал оч қолда 100 граммдан ичилади. Ҳуснбузарларга суртилса, фойда беради.
  11. Меваси ангина, томоқ йүллари шамоллашига даво, мураббоси чой қилиб ичилса, күпроқ фойда қиласы.
  12. Қадимдан анжир дармонсизланғанда, күкрак оғриғида, бронхиал астма ва йұтал, буйрак, қулоқ касаллиги, рангни тиниқлаштириш, камқонлик, юрак-қон томир касаллукларыда яхши даводир.
- Тайёrlаш: 400 г янчилгани 4 литр сувда 15 дақиқа қайнатилиб, овқатдан олдин 3 маҳал 100 граммдан ичилади. Бу билан оғиз чайилади, бошқа жойда жароқатлар бўлса, докани ҳўллаб, баданнинг касал жойига ёпишириб боғлаб қўйилади.



## ТУТ

1. Оқ тутдан ёзда 5–6 марта түйиб истеъмол қиласа, қон босими юқори бўлмайди.
2. Баргини қора анжир барги билан ёмғир сувида қайнатиб, бош ювиб, боғлаб қўйилса, сочни қорайтиради.

3. Барг қайнатмаси томоқ оғриғи, астмада фарфара қилинади.

4. Пүстлюгини янчыб, кунжут ёғига аралаштириб, яра, құтирип да темираткига суртиса, фойда қилади.

5. Илдиз қайнатмаси қизамиққа суртиса, фойда қилади.



## МОЙЧЕЧАК

1. Қайнатмаси меъда ярасида қотиб қолган қонни 3 маҳал 2 ош қошиқдан 10 кун ичилса, эритади.

2. Совуқдан бұлған шишлар, орқа яраси, қовжираган яралар, тузалиши қийин яраларга талқони сепилса, фойда қилади.

3. Қайнатмасига жунни ботириб, ҳұллаб боғланса, бүғин оғриқларига фойда қилади (бегумон). Ҳұллигіда ҳидланса, ухлатади.

4. Куритилганини (исканжубин ва туз билан құшиб) девпечак құшиб қайнатиб ичилса, нафас қисишига фойда қилади (қайнатмасини 3 маҳал 50 граммдан ичиш керак).

5. Мойчечак пешобни кучли ҳайдайди. Қайнатмасини 3 маҳал 50 граммдан ичиш тавсия этилади.

6. Шарбатга солиб ивитилганини 3 маҳал 50 граммдан ичилса, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалайди.

7. Қуруғини девпечак, исканжубин ва туз билан қайнатиб ичилса, балғамни суради, орқа тешик шишларига фойда қилади.

8. Гулининг қайнатмасига озроқ туз құшиб ишлатиласа, ревматизм ва чипқонларни даволайди (суртиш ва боғлаш керак).

9. Гулининг қайнатмаси талваса, ўт, пешоб ҳайдаш, сурги, гастрит, жигар, безгак, иситма ва уйқусизлик касалларини даволайди (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш тавсия этилади).

10. Гулининг қайнатмаси бош мия томирларини (3 маҳал 2 ош қошиқдан 10 кун ичилса) кенгайтиради, оғриқни қолдириб терлатади ва ел ҳайдайди.

11. Гулининг қайнатмаси өқарған соchlарни қорайтиради. 1 қисм мойчечак гулини 3 қисм қайноқ сувда 3 соат

дамлаб, бошга суртиб, 1 соат рўмол билан боғлаб қуиилса, соч қораяди.

12. Гулининг қайнатмаси 12 бармоқли ичак яраси, ўт пухаги, буйрак, қовуқ касалликларини тузатади, қорин дамини кетказади (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш тавсия этилади).

### ПЕТРУШКА УРУГИ

1. Уругини 3 маҳал ярим чой қошиқдан капаланса, кучли сийдик ҳайдайди.

2. Уруги қайнатмаси сийдик тоши, жигар, бачадон, қон кетиш касалликларида, қорин дамида (3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин 2 ош қошиқдан) ичилса, фойда беради.

3. Уруфи қайнатмаси жигар, буйрак, қовуқ, бачадон касалликларида, 3 маҳал 50 граммдан ичилса, фойда беради.

4. Уруфига асал қўшиб, 3 маҳал 1 ош қошиқдан истемол қилинса, жинсий алоқа тикланади.

5. Қайнатмаси без, қовуқ яллиғланиши, сепкил, доғларни йўқотиш учун фойдали.

### КОВУЛ ИЛДИЗИ

1. Қайнатмаси шишларда синалган доридир. Чиркли яраларга кучли фойда қиласди. Ёнбош оғрифига, увишишга, эт узилишига яхши шифо бўлади. Пўстлоғи арпа суви қайнатмаси билан ичилса талоққа катта фойда қиласди (3 маҳал 30 граммдан 10 кун ичиш тавсия этилади).

2. Бавосилга 3 маҳал талқонини ярим чой қошиқдан капаланади.

### ТАРАТЕЗАК

1. 2 ош қошиқ талқонини капаланса, ички сафрони суради ва қустиради.

2. Талқони талоқни қалинлаштиради, жинсий кувватни оширади (3 маҳал 50 граммдан ичиш керак).

3. Ўтни тозалайди, астмага фойда қиласди.

4. Таратезак ҳамма касал аъзоларнинг бўшанишига фойда қилади.

5. Қайнатмаси ичилса, ичдан қон келтирадиган араплашмаларни суриб чиқаради.

6. Таратезак қайнатмаси зоб (буқоқ) касалини даволайди (3 маҳал 40 граммдан 15 кун ичилади).

7. Сирка, арпа талқони билан қўшиб суртилса, ёнбош оғриғига фойда қилади.

8. Асал қўшиб суртилса, ширинча яраларга фойда қилади.

9. Қайнатмаси суртилса, қўтири ва темираткига фойда қилади.

10. Қайнатиб ичилса, сурилса, қўтири ва соч тўкилиши тўхтайди.



### РАВОЧ (чукри)

1. Илдиз қайнатмаси қон туфуриш, ич кетиш, буйрак, бачадон оғриғига фойда қилади (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш тавсия этилади).

2. Илдиз қайнатмаси қовуқдаги оғриқларни қолдиради ва сурункали иситмаларга фойда қилади.

3. Райхон қайнатмасига қўшиб ичилса, қўл ва оёқлар қичишига фойда қилади. Чурра касаллигига ҳам фойда беради (илдиз қайнатмасини 3 маҳал 50 граммдан ичиш лозим).

4. Сирка қўшиб темираткига суртилса, йиқилиш ва урилишда ичилса, фойда қилади.

5. Илдизининг сиркада қайнагани суртилса, сепкил ва теридаги яралардан қолган изларни кетказади.



### БАҚАТЕРАК

1. Аёл киши мевасини 1 мисқол (4,25 грамм) истеъмол қиласа, ҳомиладор бўлмайди.

2. Томчилаб сийишда мевасининг талқонини 1 чой қошиқдан 3 маҳал ейиш керак.



## БОДОМ ЅЕИ

1. Аччиқ бодом ёғи сепкил ва нүқтали қонталаш изла-рига суртилса йўқотади, офтобда қорайишга суртилса, фойда қилади.

2. Юздаги ажинларни ёзиб юборади, илдиз қайнатмаси сепкилга суртилса, даво қилади.

3. Ширин бодомга баравар шакар қўшиб, туйиб 3 маҳал ейилса (50 граммдан 25 кун), семиртиради.

4. Аччиғининг ёғи шароб билан қўшиб ишлатилса, эшакемини тузатади (суртиш 3 маҳал).

5. Аччиғи қулоқ оғриғи ва гувиллашига фойда қилади.

6. Аччиқ бодом ёғига шарбат қўшиб бошга суртилса, хўл ширинчалар ва кепаклашга фойда қилади.

7. Аччиғи югурдак яраларга, темираткига, учукқа сирка ва узум шарбат билан қўшиб суртилса, фойда қилади.

8. Кўзга ёғи суртилса, кўриш қуввати ортади.

9. Аччиқ бодом ёғи ёки ўзи йўтал, астма, чўзма йўтал ва сариқ касалликларида 3 маҳал 1 чой қошиқдан ичилса фойда қилади.

10. Туйилган мағзи 3 маҳал 1 ош қошиқдан қапаланса, қон туфуришга фойда қилади.

11. Аччиқ бодом ёғини 3 маҳал 1 чой қошиқдан ичилса, жигар ва талоқ тиқилмаларини, томир учидаги тиқилмаларни очади.

12. Аччиқ бодом ёғи буйрак ва қовуқдаги тиқилмаларни очади, тошларни майдалайди.

13. Буйрак ва бачадон оғриғига, шишлиар, бачадон қаттиқлиги, бола бўғилишига ва сийишида қийналишга 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилса, фойда қилади.

## КАТТА ҚЎЙПЕЧАК (камбағал арқони)

1. Барглари жароҳатларга янчиди суртилса ёки боғланса, битиради.


2. Оловда куйганга шарбат қўшиб, қайнатиб суртилса, айниқса, мумиё билан ишлатилса, фойда қилади (бунга тенг келадиган дори йўқ).

3. Сурункали бош оғриғига ва эски қулоқ ярасига қайнатмаси ичилса, томизилса, фойда қиласы.

4. Күкрак, үпка касаллігі ва астмага қайнатмаси 3 маҳал 50 граммдан ичилса, фойда қиласы. Муддати 15 кун.

5. Барг қайнатмаси жигар тиқилмаларини очади.

6. Сиркада қайнатиб ичилса, талоқ касалига фойда қиласы (3 маҳал 1 ош қошиқдан).



## САССИҚ КАВРАК

1. Уруг қайнатмасини 3 маҳал 50 граммдан ичилса, она сути күпаяди.

2. Елимини сувга құшиб ичилса, дархол овоз очилади.

3. Елимига анжир құшиб истеъмол қилинса, сариқ касал тузалади.

4. Елими темираткига суртилса, фойда қиласы.

5. Таşқи ва ички йириңгли яралар ва шишга елими яхши даводир (суртиш тавсия этилади).

6. Елимиға мурч, сирка құшиб, ёмон сифатлы яраларға суртилса, фойда қиласы. Соч тұқишлишига ҳам фойда қиласы.

7. Бөш мия, склероз, бронхит, нафас аъзолари касалларыда ҳам фойда беради.

8. Елими михсимон сұгалларға суртилса, қўпоради.

9. Мускулларнинг тортилишига яхши даводир (3 маҳал ярим таблетка миқдорида елимидан капалаш керак).

10. Елими бўғин, бронхиал астма, сариқ касалліги, қўқ йўтал, сил, диабетга даво, қон кетишини тұхтатади, ишхани очади.

11. Илдизи томчилаб сийиш ва буйрак оғриқларини кетказади (3 маҳал қайнатмасидан 30 граммдан ичилса, фойда қиласы. Муддати 15 кун).

12. Илдиз қайнатмаси меъда учун ажойиб доридир (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш лозим).

13. Илдиз қайнатмаси бачадон оғриқларини босади. Бўғилишни кетказади, ич оғригини тузатади.

14. Илдизига асал құшиб яласа, кўкракдаги ёпишқоқни кетказади.

15. Елими тутқаноқ, астма, қийналиб нафас олишда фойда қиласи.

## ГУЛҲАМИШАБАҲОР

1. Япроқ ва танасини янчиб ҳуллигида, «оқ» (пес)га қўйиб, б соат қуёшда ўтирилса, яхши фойда қиласи.

2. Қуюқ суртмасини қўйгандан кейин арпа нонини ис-теъмол қилиш шарт, қуёшда б соат ўтиргандан кейин, уқалаб ташланади.

Шарти шуки, игна урилса «оқ»дан қон чиқмаса, даволаса бўлади, суякка ўтиб қетган бўлса, отаси қарғаган бўлиши мумкин, даволаб бўлмайди.



## ТУРП

1. Баргининг суви истисқо учун яхши дори (ичиш керак).

2. Баргининг суви сариқ касални йўқотади (муддати 15 кун).

3. Уруғига сирка қўшиб ичирилса, қустиради ва талоқни юмшатади.

4. Уруғига асал қўшиб суртилса, бўғин оғриқларига яхши таъсир кўрсатади (еийи ва суртиш керак).

5. Уруғига сирка қўшиб суртилса, гангренос яраларни бутунлай қўпориб ташлайди.

6. Уруғига асал қўшиб ишлатилса, ёмон сифатли яралар, сутли яраларни қўпориб ташлайди.

7. Турп уруғи қайнатмаси қон туфлаш ва сепкилга фойда қиласи (ичиш, суртиш керак).



## МУРЧ

1. Мурчнинг талқонига кунгабоқар ёғи қўшиб суртилса, эт увишишига фойда қиласи.

2. Асал қўшилгани талоқда яхши фойда қиласи.

3. Асал қўшилгани ўткани тозалайди.

4. Асал қўшиб суртилса, томоқ оғриғига фойда қиласи

(3 маҳал). Айниқса, унга алоэ ва қорамайиз ивитилган суви билан ичилса яхши таъсир қиласи.

6. Иссиқ шишларни йўқотади.
7. Пояси ва барги сочни ўстиради.
8. Урилганда қотиб қолган қонни шимдиради (3 маҳал суртиб боғлаш керак).
9. Барг қайнатмаси сарифи чиққунча қайнатилади. Томоқ, қичима касалларида ичилади (3 маҳал 50 граммдан 15 кун).



### БЎЙИМОДАРОН

1. Кули сувига бош ювилса, соч тўкилиши тўхтайди.
2. Қайнатмаси буйрак ҳам қовуқдаги тошларни майдалайди. Ҳайз қонини ҳайдайди.
3. Зайтун ёфи қўшилган қайнатмаси меъданни қиздиради ва унинг совуқлигини кеткизади (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш лозим).
4. Қайнатмаси ва гули “тикка нафас” олишга фойда қиласи.
5. Зайтун ёғида қайнатмаси ичилса, бошни қиздиради, совуқни кеткизади.
6. Қайнатмаси эт узилишига ва эски ёнбош оғриғига фойда қиласи (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш керак, муддати 10 кун).



### АРПАБОДИЁН

1. Қовуриб, озроқ намакоб сепиб, капаланса, елларни ҳайдайди (3 маҳал 1 чой қошиқдан капалаш лозим).
2. Ичилса, сурункали иситмаларга фойда қиласи.
3. Меъданинг алантага олишига яхши фойда қиласи, буйрак ва қовуқ тошини майдалайди. Кўнгил айнишини кетказади.
4. Шакар қўшиб истеъмол қилинса, она сутини кўпайтиради.



### ЛОЛА


1. Барги пояси арпа билан қўшиб қайнатиб ичилса, она сутини кўпайтиради.

2. Лола суви асал билан аралаштирилиб, кўзга 3 маҳал томизилса, кўз хиралашганига фойда қиласди.

3. Лоланинг қуритилгани чиркин яраларга фойда қиласди, уни битиради. Пўст ташлашга ҳам даво бўлади.

4. Лолани қаттиқ қайнатиб, шишларга суртилади. Чип-қон ва иссиқ шишларга суртилса, ёриб юборади.

5. Ёнғоқ пўчоги билан қўшиб қайнатиб, бош ювилса, соч қораяди.



## ГУЛСАПСАР

1. Қайнатмаси қаттиқ шишларни тузатади ва сутли тошмаларга фойда қиласди (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш керак, муддати 10 кун).

2. Илдизи ва барги талқони оқма яраларга фойдали, суякни ўстиради, эт ундиради (талқонини атала қилиб суртиш, боғлаш лозим).

3. Илдизини сирка билан қўшиб ёки шарбат билан ичилса, тиришиш ва мускулларнинг йиртилишида фойда қиласди.

4. Илдиз қайнатмаси ухлатади, сурункали бош оғрифни йўқотади, аксиртиради (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш лозим, муддати 10 кун).

5. Илдиз қайнатмаси уйқуда қичқириш касалини тузатади (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш лозим).

6. Илдиз суви кўз ёшини тўхтатади, қайнатмаси бикин, сариқ, йутал, ўпка яллигланиши, нафас олишнинг қийинлашишида, томоқ оғриқларида 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, яхши фойда қиласди.


7. Қайнатмаси қўкрака қамалиб ётган чиқиндиларни йўқотади. Шинни қўшиб ичилса, қўкрак касалини тузатади.

8. Истисқога, яъни жигар сўлишига ичилса, суртилса (3 маҳал 2 ош қошиқдан муддати 20 кун), фойда беради.

9. Бавосилнинг оғзини очади, ичнинг бураб оғришини колдиради.

10. Асал қўшиб қайнатиб ичилса, сариқ сув, ўт ва шишинишни суради (ичиш 3 маҳал 50 граммдан, муддати 10 кун).

11. Илдизига сирка қўшиб ичилса, ҳамма заҳарни суради.



12. Илдиз қайнатмаси ичаклар алмашиб қолса, ёзигб юборади (оч ҳолда 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш лозим, муддати 15 кун).



## НАРГИС

1. Наргис қайнатмаси бачадон ва қовуқдаги оғриқлар учун 4 дирхамдан асал суви билан ичилса, ўлик болани 2—3 соатда туширади.

2. Наргиснинг ўзини истеъмол қиласа ёпилган бачадонни очади ва бачадон оғриғига фойда қиласи.

3. Илдиз қайнатмаси бошдаги тиқилмаларни очади, васвасадан келиб чиқадиган рутубатли бош оғриғига фойда қиласи (3 маҳал 1 ош қошиқдан ичиш лозим).

4. Наргис ёғи кўкракка суртилса, кўкрак тўсиқларидағи қаттиқ ва совуқ шишларни тарқатади.

5. Наргис ёғи асаб касалигига 3 маҳал 1 чой қошиқдан ичилади, гулини зайдун ёғига солиб бир неча кун қўёшга қўйилади, тез-тез гулларини алмаштириб турилади. Гули зайдун ёғига сингиб кетади, шундай қилиб наргис ёғи олинади.

6. Жароҳатларни қовжиратади ва шундай ёпиштирадики, ҳатто пайларнинг узилишини ҳам маҳкам битириб юборади (суртиш лозим).

7. Илдизига асал қўшиб, оловда қуйганга суртилади, асабларнинг янгиланишига ва чукур яраларга суртилади.

8. Илдизи тикан, ўқ учларини чиқарип ташлайди. Янчиб тикан ва ўқ парчалари кирган жойга қўйиб боғланади.

9. Сепкил, доғларни кеткизади, айникса, сиркага қўшиб тайёрлангани шундай таъсир кўрсатади. Сочга суртилса, тўкилиш тўхтайди.

10. Наргис чукурликдаги оғриқларни тортиб олади. Масалан: яраларнинг ўзаги, суюқликларни тортиб олиб қуритади, тозалайди ва ювади.





## МУСКАТ ЁНГОФИ

1. Күзда қон, нұқтали қон талашишига 3 маҳал томизилса, 3—4 кунда кеткизади.
2. Күздаги пардага томизилса, фойда қиласы.
3. Мускат ёнғофини янчыб, 10 донадан 10 кун истемол қиласа, пешобни юриштиради ва қийналиб сийишга фойда қиласы.
4. 3 маҳал 10 тадан 3 кун еса күнгил айнишини кеткезади.



## ГАЗАК ЪТИ

1. Сода билан қүшиб оқ доғ, сүгал ва тут шаклидаги сүгалларга ҳұл баргини туйиб боғласа, фойда қиласы.
2. Тулки касалига, соч түкилишига ҳұл барги суртилса, фойда қиласы.
3. Сариёф ва асал қүшиб темираткига қўйиб боғласа даво қиласы.
4. Газак ўти қайнатмасини ичса ва асал билан бирга қўйиб боғласа, фалажга ва ёнбош оғриғига фойда қиласы.
5. Бурун қонашига чой қилиб ичилса, тузалади. Сиркага қүшиб бурунга томизилса ҳам ёрдам беради.
6. Газак ўтинин анор пўсти билан қўшиб озгина қайнатиб, қулоққа томизилса, қулоқ шанғиллашини йўқотади.
7. Газак ўтининг суви бош яраларига суртилса, фойда қиласы.
8. Ўт суви кўзга томизилса, кўзни ўткир қиласы. Қайнатмаси асал, арпабодиён қўшиб суртилса, кўзга яхши таъсир қиласы.
9. Нафас қисишига ҳам анжир қўшиб ичилади, қоринда сув йиғилганда (истисқода) қоринга суртиб боғланади.
10. Қайнатмаси талоқни яхшилайди, иштаҳани оширади, балғам, ҳиқичоқни тузатади.



## ХАЛИЛА

1. Талқонини 3 маҳал ярим чой қошиқдан кап отса, сафрони суради, рангни тозалайди, мохов, бош оғрифи, сезгилар, эслаш қобилиятига, юрак сиқилишига, талоқ, меъда, жигар сўлиши (церроз)га ёрдам қиласди, зайдун ёғи билан қовурилгани ич кетишни тұхтатади. Қора хили бавосилга фойда қиласди, савдони яхшилайди (қайнатмаси 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади).



## ХАНТАЛ

1. Юзни силлиқ қиласди, ўлик қонни кетказади, құтира ва темираткига суртиш фойда қиласди.

2. Бүғин ва бош оғриқларига талқонини атала қилиб суртилади. Наҳорда талқони 1 маҳал 1 таблеткадай капаланса, зеҳнни ўтқир қиласди, жинсий қувватни кучайтиради, бачадон бүғилишига ва иситмаларга фойда қиласди (муддати 15 кун).



## АНОР

1. Уруғининг талқони асал қўшиб қулоқ, бурун яраларига суртилса, фойда қиласди.

2. Анор сувига узум шарбати қўшиб ишлатилса, қулоқ орқаси шишига фойда қиласди (суртиш лозим).

3. Кундузи қўрмай қолса, ширин ва аччиқ анор сувини тенг қўшиб, озроқ узум шарбати аралаштириб, қўёшга 7 кун қўйилса ва оз-оздан ичилса, фойда қиласди.

4. Уруғи ёмғир сувида қайнатиб ичилса, қон туфуришга фойда қиласди. Ҳамма тури хафақонликка фойда қиласди, кўнгилни очади.

5. Бошқоронги аёл уруғини истеъмол қилса, бошқоронги талаби қондирилади.

6. Анорнинг ўзи иситма чиққанда истеъмол қилинса, шифо топади.



## ЛИМОНҮТ

1. Барг қайнатмаси овқат ҳазм қилиш, асаб, юрак **касалликларыда** фойда қиласи, **пешоб**, ел ҳайдайды, ревматизм, **офиз бүшлигидаги** яраларга гарфара қилса, шифо топади (3 маҳал қайнатмасини 2 ош қошиқдан ичиш, муддати 15 кун).

2. Ҳиқиқоқ, юрак касалликларига яхши ёрдам беради. Ҳансирашга, юракнинг тез уришига, күнгил айнишига, бош, асаб, мигрен, камқонлик, уйқусизлик, паришонхитирлик ва бадандаги тошмаларга ёрдам беради.

## НҮХАТ

1. Нүхатни пүстлөги билан қайнатиб ичилса, пешоб ҳайдайды. Ёши ўтиб қолган кишилар қовурилган нүхат истеъмол қилсалар қабзиятга фойда қиласи. Муддати 15 кун.

2. Қора нүхатнинг кучлироқ қайнатмаси истисқода ёрдам беради, сарик, жигар, талоқнинг битиб қолган йўлларини очади (3 маҳал 50 граммдан ейиш тавсия этилади).

3. Нүхат дамламаси саҳарда 200 граммдан 1 маҳал ичилса, овоз тиниқлашади, қон кетишини, киши рангини яхшилайды, тиш оғриғида гарфара қилинса, шифо топади.

4. Нүхат уни хавфли ўсмалар ва ракка, кўтириб ва ўпка касалига, ич кетиши, йўтал ва бавосилга фойда қиласи.

5. Қора нүхат жинсий заифликни тузатади, овқатдан олдин (3 маҳал 1 чой қошиқдан капалаш тавсия этилади, муддати 15 кун).

## ПИСТА

1. Жигар касали, камқонлик, ўпка силида писта меваларини кўп ейиш керак, бироқ у ични қотиради. Эркак ва аёллар пуштсизлиги, мижоз сустлашишида меваларидан дамлама тайёрлаб, 3 маҳал овқатдан олдин 50 граммдан 15 кун ичса, шифо топади.

## РАЙХОН

1. Пешоб тутилиб қолганда, райхон уруғи қайнатмаси 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

2. Қайнатмаси юрак, ўпка, қон кетиш, ич дам бўлганда ёрдам беради, она сутини кўпайтиради.

3. Барги ва ёш новдалари қайнатмаси яраларнинг битишига, йўталга фойда қиласди, пешобни ҳайдайди, ёмон ҳидларни йўқотади, нафас йўллари яраларида, ичак ва овқатдан заҳарланганда, қулоқ йирингига яхши ёрдам беради (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш, суртиш лозим, муддати 15 кун).

4. Баргини янчиб бавосилга қўйиб боғланса, шифо топади.

## ТОЛ

1. Тол кулинни сирка билан сўтгалларга қўйиб боғланса, қуритади ва осилмаган бўлса ҳам, уни қўчириб туширади.

2. Тол новдалари қайнатмаси бўғин оғриқларига яхши даводир (3 маҳал 100 граммдан ичиш керак. Муддати 15 кун).

3. Қайнатмаси билан бош ювилса, қазғоқ кетади.

4. Унинг елими ва гули кўз хиралашганда суртилса, хираликни кеткизади.

## ПАНИР (СУЗМА) ҚАТИҚ

1. Сузмани эскирган зайдун ёғига аралаштириб, тошдай қотиб қолган жойга қаймоқ қўшиб суртиб боғланса, юмшатади.

2. Сузма қатиқни эзиб, сути кам оналарга ичирилса, сути кўпаяди.

3. Сузма қатиқни оқ ёғда қовуриб истеъмол қиласа, ичак яраларига фойда қиласди (15 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади).

## ҚИЗИЛ ГУЛ УРУГИ

1. Гул қайнатмаси тиш милкига фойдали, оғизга олиб, гаргара қилинса, милкларни мустаҳкамлайди.
2. Гул суви кулоқ оғриғида қулоққа томизилади, бешүшликка фойда қиласи.
3. Қайнатмаси меъда ва жигарга яхши даводир.
4. Гулига асал қўшиб қайнатма тайёрланса, меъда ва жигар учун кучли доридир (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, фойда қиласи. Муддати 10 кун).
5. Қайнатмаси ичак яраларига ишлатилади (10 кун 3 маҳал 50 граммдан ичиш керак).
6. Гулига шакар қўшиб қайнатиб ичилса, шамоллаш қасалларига яхши даводир (3 маҳал 2 ош қошиқдан, 10 кун).

## ЗАНЖАБИЛ

1. Куриган талқони кўзга сурма каби суртилса, кўзга оқ тушганда фойда қиласи.
2. Талқонини малҳам қилиб бавосилга суртиб юрилса, фойда қиласи.
3. Талқонини 3 маҳал ярим чой қошиқдан капаланса, жигардаги тиқилмаларни очади, елни ҳайдайди, балғамни суради.
4. Новвот билан қўшиб капаланса, ҳўл мева егандан кейин бўладиган оғриқларни тарқатади.

## КИЙИК ЎТИ

1. Куритиб, туйиб, элаб, teng миқдорда шакар аралаштириб истеъмол қилинса, кўз нурини оширади.
2. 5—10 грамм қуриган талқонига асал аралаштириб истеъмол қилинса, чаён ва бошқа заарли жониворлар чаққан бўлса, фойда қиласи.
3. Кийик ўти билан зирани бирга янчиб, сиркада ивитиб, шу сувда оғиз чайилса, тиш оғриғи қолади.
4. Томоқ оғриғида қайнатмасини гаргара қилиб ичилса, фойда қиласи.

5. Ҳўл кийик ўтининг суви кўзга суртилса, шифо бўлади.

6. Кийик ўтининг талқонига асал қўшиб, киндикка суртилса, киндик чиқишига фойда қилади.

7. Асал қўшилганига зайдун ёғи ва зира қўшиб аралаштириб боғланса, ёш болаларнинг киндиги чиққан бўлса, шифо топади.

8. Гули қайнатмасини олиб, сирка ёки туз билан ичилса, балғам, савдони суриш билан бирга пешоб ва ҳайзни равон қилади (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш керак. Муддати 10 кун).

9. Унинг гули ва баргидан олиб соядга қуритиб бир миқдорига 6 баробар ширин сув қўшиб, 1 кечакундуз ивитиб, кейин сувининг 4 қисми қолгунча сскин паст оловда қайнатиб, эзфилаб, кейин қолганини докадан ўтказиб, шу суюқликнинг устига 2 баробар зайдун ёғи солиб, паст оловда яна шу сув буғланиб кетгунча қайнатилади, лекин ёғ доғ бўлиб кетмаслик чораларини кўриш керак. Шу ёғдан 1 ош қошиқдан ичилса, 20 кун 3 маҳал суртилса, бўғин бўшашиши, қалтирок, бўғин оғриғига шифо бўлади.

10. Гули қайнатиб ичилса, балғам ва савдони суради (3 маҳал 50 граммдан, 8–10 кун).

11. Уруғи чой қилиб ичилса, мия тиқилмаларини очади, сариқ касалига фойда қилади, иштаҳани очади. Чайнаса, тиш оғриғини қолдиради.



## ШУМГИЁХ

1. Қайнатмасини 3 маҳал 50 граммдан ичилса, ширин касал (қандли диабет)га фойда қилади.

2. Ичаклардан қон кетишини тўхтатади. Жигар ва бўшаган мускулларни бақувват қилади (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш лозим).

3. Қон оқаётган жойга қўйилса, шу заҳотиёқ ёрдам қилади.

4. Нафас қисишига овқатдан кейин чой қилиб ичилса, шифо топади.



## ИСФАРАК

1. Ўт қайнатмасини 10 кун овқатдан 30 дақықа олдин 2 ош қошиқдан 3 маҳал ичилса, иситма, плеврит, зотилжам, грипп, кўк йўтал, ангина яллиғланишига ва мускуллар тортишишига фойда қиласи.

2. Ўт қайнатмасига арпа уни қўшиб қайнатиб, ўсмаларга, қўтирга суртилади.

3. Ўт қайнатмаси кўз оғрифида 15 кун 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилса, шифо топади.

4. Соч тўкилишида талқонига сирка, ёғ аралаштириб суртилса, фойда қиласи, сирка ва битлар ўлади.

5. Кулига қаймоқ аралаштириб экземага суртилса, фойда қиласи.

6. Талқонидан 1 ош қошиғига 2 стакан қайноқ сув қуйилиб, иссиқ жойда 8 соат дамлаб қўйилади. 10 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, қичима касаллиги бор бемор шифо топади.

Мен бу касалларни кўп даволаганман, парҳезига эътибор бериш зарур.

## ПИЁЗ

1. Оқ пиёзниң сувига аёл сутини тенг қўшиб, оқ тушган кўзга томизилса, яхши фойда қиласи (4—5 маҳал, 10 кун).

2. Оёқлар оғриса, кўй ёғига қизил пиёзни қовуриб, ёғини бироз сиқиб, оғриган жойларга қўйиб боғласа, шифо топади.

3. Тўғралган пиёзга тенг қилиб гўшт қўшиб қовуриб саҳарда 1 маҳал истеъмол қилинса, жинсий қувватни оширади. (Масалан, 200 грамм пиёз 200 грамм гўшт).

4. Пиёз ва саримсоқ хавфли ўсмаларниң олдини олади.

5. Ҳар куни 1 бош пиёз еб ётилса, простата бези фаолиятига яхши ёрдам беради.

6. Яхшилаб эзиб, ҳуснбузарга суртиб боғлаб ётса, шифо топади.

7. Уруғини түйіб, буйрак тошини тушириш учун 3 маҳал сутга тенг миқдорда құшиб ичилади (муддати 15 кун).

8. Пиёзга шакар құшиб 3 маҳал истеъмол қылса ўт, жигарға ёрдам беради.

## СУЛИ

1. Донини узоқ қайнатиб ичган кишининг кучи күпа-яди, 1 литр қайнатма сувига 300 грамм асал құшиб, паст оловда узоқ муддат қайнатиб 15 кун 3 маҳал 100 граммдан ичиш керак.

2. Сули уни ич кетишини тұхтатади. 3 маҳал 1 чой қошиқдан капалащ лозим.

3. Қорин дам бұлишида сули унiga беҳи ёки лимон суви құшиб ичиш керак.

4. Қовуқ тошини туширишда қайнатма қулоқ қилиб ичилади. Иссиқ ҳолда буйрак устига компресс қилиб боғланса ҳам тошларни туширади.

5. Дон қайнатмаси пешоб тутилиши, ўпка силига ёрдам беради (3 маҳал 50 граммдан ичиш керак, муддати 15 кун).

6. Қайнатмаси сариқ ва қанд касалларига яхши даводир.

## АЙИҚТОВОН

1. Қайнатмасини 3 маҳал 2 ош қошиқдан овқатдан 30 дақықа олдин ичилса, буйрак тошларига фойда қиласы.

2. Ҳүллигіда баргларини яңчыб, песга қўйиб боғланса, фойда қиласы, тирноқлардаги оқни ҳам кетказади.

3. Ҳўлини шишларга қўйиб боғласа, фойда беради.

5. Қайнатиб ширинча касалига қўйиб боғланса, фойда қиласы.

6. Илдизини түйиб, лўқиллаб оғриб турған тишга қўйилса, фойда қиласы.

## АЖРИҚ

1. Илдиз қайнатмаси ичилса, пешоб тутилишини ва қовуқда пайдо бўлган яраларни тузатади.

2. Уруғи ва илдиз қайнатмаси қусиши тұхтатади.
3. Талқонини қон босими паст кишилар 3 кун 3 маҳал
- 1 чой қошиқдан капаласа, фойда беради.
4. Сувли яраларга талқони сепилса, тузалади.



## СУВ ҚАЛАМПИРИ

1. Қайнатмаси қабзият касалликларида, бачадон, меъда, ичак, қон кетиш, бавосил, ичбуруғ, ичак, ошқозон касалликларида 3 маҳал 50 граммдан ичилади (10 кун).
2. Меъда саратони, юрак, бачадон қисқаришида қайнатмасини ичиш керак.
3. Пешобни кучайтиради, лавша ва бош оғриғига ичилса фойда қиласи (3 маҳал 50 граммдан).
4. Барг қайнатмасини бавосил ва қон кетишда 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш керак.
5. Илдизини янчыб, ўсган сүякларга қўйиб боғланса, фойда беради (15 кун).



## САССИҚ АЛАФ (талха)

1. Баргининг суви саратон касалида ва йўталга 10 томчидан 3 маҳал ичилади.
2. Ўт суви соч тўкилиши, кўз, кулоққа суртилади ва томизилади.
3. Гуллаб турган қисмидан тайёрланган дамламаси тиришиш, күёнчиқ, кўк йўтал ва мигрен, бачадон ракига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилса, фойда қиласи (15 кун).



## САЧРАТҚИ

1. Сути кўз оқига томизилса, тузалади.
2. Ўт кулини қаймоққа аралаштириб, қичима, сувчечак ва тери касалига суртилса фойда қиласи. Илдиз қайнатмаси камқонлик, безтак ва диабетга даво бўлади (40 кун давомида 3 маҳал 50 граммдан ичиш керак).



3. Томирларни бақувват қиласи. Поясига мойчечак күшиб тайёрланган қайнатмаси жигар, томоқ, буйрак ва безгакни даволайди. З маҳал 50 граммдан ичиш керак.

4. Қайнатмасини йирингли яралар, бачадон, саратон, қоқшол касалликларига З маҳал 50 граммдан ичиш керак. Илдиз қайнатмаси иштаха очади. Меъда, жигар, талоқ, буйрак ва қон таркибини яхшилайди. Офтоб уришига ҳам фойда қиласи.

5. Қўтири, темиратки бор жойларга ўт шираси (сути) суртилади.

6. Пешоб ҳайдаш ва бавосил касалликларига ўт қайнатмаси ичилса шифо қиласи (10 кун, З маҳал 50 граммдан).



### ИСИРИК

1. Титроқ ва фалажда майдаланган талқонига сув күшиб, 2 соат дамлаб З маҳал 1 ош қошиқдан ичилса, шифо топади.

2. Бош оғриғида зигир дони ва исириқни тенг миқдорда қўшиб аралаштириб қайнатма тайёрлаб ичилади (12 кун З маҳал 2 ош қошиқдан).



### ТЕМИРТИКАН

1. Ўт қайнатмасини З маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, терлатади, пешоб ҳайдайди, бош оғриғига фойда қиласи.

2. Сутда қайнатилган илдизи безгак касалига шифо бўлади.


3. Ўт қайнатмаси сўзак касалида ичилса, даводир.

4. Қайнатмаси З маҳал оч ҳолда 50 граммдан ичилса, буйрак, қовуқ тошини туширади (12 кун).



### ГУЛХАЙРИ

1 Қон туфуриш, сил, бронхиал астма, йўтал, кўкрак оғриғи, томоқ оғриғи, чипқон, балғам кўчириш, ўсмалар, плеврит, бронхиал астма, ўпка яллиғланиши, асаб



яллиеланишига, пешоб юришишига, қовукда тошлар пайдо бўлганда, қайнатмасидан овқатдан олдин 3 маҳал оч ҳолда 18 кун 50 граммдан ичилса, фойда беради.

2. Илдиз қайнатмаси меъда, ичак, 12 бармоқли ичак яраларига шифо бўлади. Дамламадан томоқни ювиб туришлозим (3–4 маҳал фақат кўзларни юмиб ичилади, 50 граммдан 18 кун).

3. Уруғ талқони иссиқ йўталга фойда қиласди.

4. Илдиз қайнатмаси қийналиб сийиш, сариқ ва ўпка касалига фойда қиласди.



## ИНДОВ

1. Индов юмшатиш билан биргаликда эритувчи ва етилтирувчидир. Шунингдек, ички бўшлиқлардаги йирингни ҳам шимади.

2. Индов уруғ қайнатмаси 15 кун 3 маҳал 30 граммдан ичилса ва сочга суртилса, фойда беради.

3. Уруғ талқонига асал қўшиб суртилса, шишиларга фойда қиласди (5 кун 2 маҳал).

4. Уруғига асал қўшиб, 3 маҳал оч ҳолда 1 ош қошиқдан 6 кун ейилса, қурт ва гижжаларни туширади.


5. Қўтир ва темираткига 10 кун 3 маҳал асал қўшилгани суртилса, фойда қиласди.

6. Индов асабларнинг бўшашишига фойдалидир (талқон ва қайнатмасини 3 маҳал ичиш ва суртиш лозим).

7. Қайнатмаси ва талқони ўпкани тозалайди, астмага фойда қиласди, бунда парчалаш, мулоим қилиш хусусиятлари бўлганидан астма касалида ишлатилади (талқонини 3 маҳал 1,5 граммдан капалаш лозим).

8. Индов талқони талоқ қалинлашганда 3 маҳал 1,5 граммдан капаланса, фойда қиласди. Асал билан ичилса, суртилса ҳам фойда қиласди.

9. 4 дирҳам вазнда қайноқ сув билан ичилса ични суради, шаҳвоний кувватни оширади, тирик ва ўлик болани туширади.



10. Барг қайнатмасини 3 маҳал 10 кун оч ҳолда 100 граммдан ичилса, буйрак тошларини туширишга фойда қиласди.

## ЁНФОҚ

1. Ёнфоқнинг хўл мевасини лат еганда қолган изларга қўйиб боғланса (15 кун 1 маҳал) фойда қиласди.

2. Мағзини чайнаб, савдойи шишларга қўйиб боғланса, (15 кун 1 маҳал) фойда қиласди.

3. Ёгини иссиқ яраларга, сепкилга ва яраларга суртиб боғланса, фойда қиласди.

4. Асал ва газак ўти билан тенг аралаштириб, асабнинг буралганига (20 кун 3 маҳал 1 ош қошиқдан) ейилса, фойдф беради.

5. Япроғининг шираси илиқ ҳолда қулоққа томизилса, қулоқдаги йирингларга фойда қиласди (10 кун 2 маҳал).

6. Ёнфоқ ёфи 3 маҳал 7 кун оғиз тошмаларига овқатдан кейин суртилса, фойда қиласди.

7. Ёфи ел, яра, сарамасга ва кўз атрофидаги оқма яраларга фойда қиласди.

8. Ёнфоқ қобифининг шираси ва унинг қуюлтирилгани томоқ оғриғига суртилса фойда қиласди.

9. Ёнфоқнинг катта хилларини кўкрак оғриғига 10 кун 1 маҳал эзиб қўйилса, фойда қиласди. Ёнфоқ фақат иссиқ мижозлик кишиларга мувофиқ келмайди.

10. Ёнфоқ мағзининг қовурилганини истеъмол қиласди ичак оғриғи қолади ва ични тўхтатади.

11. Ёнфоқ қобиги қайнатмасини 8 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, ҳайз қони тўхтайди.

12. Ёнфоқ мураббоси совуқ мижозли кишиларга, буйракка жуда фойдали.

13. Данаги қотмаган ёнфоқни таратезак ўсимлиги билан тенг кўшиб қайнатиб, 15 кун 3 маҳал 50 граммдан парҳезга амал қилиб ичилса, буқоқ тузалади. Истеъмол қилинса, майда гижжаларни ва қовоқ уруғисимон куртларни ҳайдайди (8 кун 3 маҳал).

## ЧИЛОНЖИЙДА

1. Қайнатмасини буйрак, нафас, қовук, ревматизм, иситма ва ичак касалликларига 3 маҳал 18 кун 50 граммдан ичилса, фойда қиласи.

## ҮЛМАС ЎТ

1. Буйрак, қовук, ўт, жигар, ошқозон касалликларида, пешобда, ўтда ва буйракда тош бўлганда, пешоб ҳайдашда, асаб касаллигида, **модда алмашинув жараёнлари** издан чиқсан пайтларда қайнатмаси ишлатилади.

Қайнатмани тайёрлаш: гиёхнинг 20 грамми 400 грамм ёмғир суви ёки булоқ сувидаги 20 дақиқа қайнатиб, сузиб, 10 кун 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин оч ҳолда 50 граммдан ичилса, яхши фойда қиласи.

2. Ўт ҳайдайдиган йифмадори: 4 қисм ўлмас ўт гули, 3 қисм ўлмас ўт барги, 2 қисм кашнич уруғи, 400 грамм қайноқ сув қўшиб, 45 дақиқа устини ёпиб, сузиб овқатдан 30 дақиқа олдин 100 граммдан 3 маҳал 12 кун ичилса фойда беради.

4. Юқоридаги касалликларга қуруқ талқонини бир таблетка миқдорида овқатдан 30 дақиқа олдин капалаб, орқасидан қайноқ сув ичилса, фойда беради (даволаниш 10 кундан 40 кунгача).

## МИСВОК

1. Бу ўсимлик даштларда ўсади. Барглари узун, енгил, пуштиранг, ёғочи мулойим. Бу растани хазон қилмайди, **тиканли** ва тикансиз бўлади. Шифобахшлиги шундаки, тозалаш хусусиятига эгадир. Қандай ёпишқоқ касалликлар бўлса тузатади, меъдага қувват бағишлайди, шишларни қайтаради, бодларга даъво, бачадонда шиш бўлса қайтаради, бавосилни даф қиласи, заарарли моддалардан тозалайди.

2. Агар барги янчиб бойланса, шишларни қайтаради, сарамас ва илон чаққанда фойда беради.

3. Агар зайдун ёғида пишириб боғланса, бачадон шишларини қайтаради, оғриқни, бавосилни йўқотади ва бош томирига фойда қиласди.

4. Уругини сувда қайнатиб, сувини ичса, меъданни то-залайди.

5. Мисвокнинг чупини тишга суртса, тишни тозалайди ва милкни мустаҳкамлайди.

6. Баъзи табиблар айтганидек, мисвокни қайнатиб, қўтириб, мохов, бавосил, ифлосланган қон учун 10 кун 3 маҳал 50 граммдан ичилса, фойда қиласди.

7. Мисвокни таъми аччиқ, агар у 10 кун 3 маҳал 50 граммдан ичилса, балғамни даф қиласди.

8. Ундан ташқари куйиш, истисқо (водянка), шишлар, мохов ва қўтирларни даволашга, меъда ва ичаклардаги куртларни туширишга ёрдам беради (қайнатмаси 10 кун 3 маҳал 50 граммдан ичилади).

9. Кўзни равшан қиласди (қайнатмаси 10 кун 3 маҳал 50 граммдан ичилади).

10. Овозни тиниқ қиласди (қайнатмасини 15 кун 3 маҳал 50 граммдан ичилади).

11. Гапиришни осон қиласди (қайнатмасини 15 кун ичиш лозим).

12. Уйку келтиради (қайнатмасини 15 кун 3 маҳал 50 граммдан ичиш лозим).



## ГУЛҚАНД

1. Қизилгул баргини қайчи билан майдалаб, то озроқ куриб бўлгунча, бир уйга қўйилса, ундан кейин бир вазн шу гулдан ва 2 вазн шакар қўшса ва яхшилаб аралашибилса, то иккаласи омухта бўлгунча янчилса ва қирқ кун куёшга қўйилса, гулқанд тайёр бўлади.

Агар шу меъёрда асал билан қўйилса, гуласал дориси тайёр бўлади. Гулқанднинг мижози иккинчи даража иссиқ ва биринчи даража ҳўл.

Шифобахшлиги шундаки, шунинг икки навини истеъмол қилинса, мия, меъдага қувват бабишлайди ва бирон хил рутубат мияга ва меъдага ўтса, ҳаммасини чиқарип ташлайди. Гулқанд кекса кишиларга ва миясида рутубат кўпроқ бўлган кишиларга яхши фойда беради. Гулқандни истеъмол қилган киши фалаж (ёки баданнинг ярми шол бўлганда), бўғин касалликларида, никрис (подагра)-да фойда топади. Буйрак тоши ва қовуқ тошини майдалаб чиқарип ташлайди.

2. Гулқанд одамларга ором бабишлайди ва вас-вас, девона касалликларига шифо бабишлайди. Танада қуввати (гуласал 4 йилгача ва гулқанд 2 йилгача) сақланиб туради (даволаш муддати 20 кун 3 маҳал 1 ош қошиқдан).

## ҚОН БОСИМИНИНГ ПАСАЙИШИНИ ДАВОЛАШ

1. 3 литр ёмғир сувига 1 кг новвот қўшиб қайнатиб, катта карсонга солиб, кечаси очиқ жойга кўйиб, саҳар олиб қоронги жойда сақлаб 15 кун 3 маҳал 100 граммдан ичилса, фойда беради.

2. 2 кг ширин бодомга баробар шакар қўшиб туйиб, қоронги жойда сақлаб, 15 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан истеъмол қилинса, бегумон тузалади.

3. Ажриқ талқонини 5 кун 3 маҳал 1 чой қошиқдан капалаб, орқасидан иссиқроқ сув ичилса, бегумон тузалади.

## МУХАЛЛАС

Бу гиёҳ бир илдиздан 15—20 барг чиқаради, баландлиги 20—60 смга боради. Барги худди буғдой бошогининг баргидай, узунлиги 2—3 см, ҳар бир шохида биттадан кўсаги бор. Ҳар бир кўсак бошидан гуллайди. З парда, ранги оқ ва пушти. Бу ўсимликни табиблар чиннинг дейди. Бу ўсимлик тошлок, тупроқ кам жойларда, адиrlарда, текис жойларда, кенглиқда ўсади.

1. Бу ўсимлиқ томирлардан ўсади ва уруғдан ҳам пайдо бўлади. Гуллаган пайтда устки қисми ўриб олинади ва сояда қуритилади. Мухаллас қон босими баланд бўлса, тӯширади. Шифобахшлиги шундаки, агар бу ўсимликтин бир марта чой қилиб ёки қайнатиб ичилса, қон босимини тӯширади ва қон айланишини яхшилайди. Агар меъда, жигар, сийдик ва бачадон, ичаклар бўш бўлган бўлса, ўз ҳолига келтиради, паришонхотирликни йўқотади.

2. Агар эркак ва аёл фарзандсиз бўлса, шуни истеъмол қиласа (30 кун 3 маҳал) фарзандли бўлади. Эркаклик кувватини оширади. Одамни хушёр қилади ва фикрлаш қобилиятини яхшилайди.

3. Агар сочи қарилекдан олдин оқарган бўлса, қайта яна қораяди (1 ой 3 маҳал чой қилиб ичилади).

4. Агар бўғинларда, кўкрак орқасида, сонларда оғриқ пайдо бўлса, 15 кун 3 маҳал чой қилиб ичилса, йўқотади.

5. Ҳар қандай қон кетишини, ҳатто ҳайз келишини ҳам тўхтатади.

6. Агар 3,5 граммдан то 7 граммини янчиб, чой каби дамлаб ичилса, ҳар қандай заҳар (илон, чаён чаққанда) таъсирини йўқотади.


7. Мухаллас ўтидан анбиқ асбоби орқали шароб ҳам тайёрланади, лекин бу шароб маст қилмайди. Бу шаробни ичган киши бош мия, меъда, жигар, асаб ва эркаклик кувватини мустаҳкамлайди. Бу ўсимликтининг фойдаси жуда катта.



## АСАЛ

Асалнинг яхшиси қизгиш рангли ва қуюқроқ, узилмайдиган ёпишқоқ бўлганидир, энг яхшиси баҳорги, унда тозаловчи, томирлар оғзини очувчи, ҳўлликларни шимдирувчи қувват бор. У ҳўлликларни баданинг чуқур ерларидан тортади, гўштни сасиш ва бузилишдан сақлайди.

1. Асалга тенг туз қўшиб урилишнинг бақлажон тусли изларини кетказиши учун суртилса (15 кун 2 маҳал), тузатади.



2. Чиркли чуқур яраларни тозалайди. Қуюлгунча қайнатилса, янги жароҳатларни ёпишириди.
3. Аччиқтош билан қайнатилгани 10 кун 2 маҳал суртилса темираткини тузатади.
4. Оқ тут суви билан аралаштирилиб, қулоққа илик ҳолда томизилса, уни тозалайди, қурилади ва эшитиш қувватини кучайтиради.
5. Тоза асални 20 кун 3 маҳал 1 ош қошиқдан истеъмол қилинса кўз хиралашиши кетади.
6. Асал билан танглайни эзиш ва гарфара қилиш бўғинларни тузатади ва бодомсимон безларга фойда қиласди.
7. Асалнинг илиқ сувда эритилгани меъдани яхшилайди ва иштаҳани очади.
8. Асалга индов талқонини баробар қўшиб, 8 кун 1 чой қошиқдан 3 маҳал оч ҳолда истеъмол қилинса, ичдаги ҳар қандай қурт ва гижжалар тушади. Парҳези 8 кун. Нон ва чойдан бошқа нарсалар ейилмайди.
9. Асалари уяси қайнатмасини 15 кун 3 маҳал 50 граммдан оч ҳолда ичилса ва фаржига суртилса шиш (миомалар) тузалади.
10. Асал қайнатмасини 15 кун 3 маҳал 50 граммдан ичилса, зеҳнни қўпайтиради ва бачадон оғригини кеткизади.



## ПИОНГУЛ

1. Пионгул сувига тенг асал қўшиб, 10 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, босинқирашда фойда қиласди.
2. Пионгулни ўз ҳолича истеъмол қилинса, меъда ачишиб оғриганига фойда қиласди (10 кун 3 маҳал).
3. Агар унинг илдизи қайнатмасидан 10 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, түққандан кейин баданлари нифос қонининг ортиқчалигидан тозаланмаётган хотинларга фойда қиласди.
4. Агар уни шарбат билан қайнатиб ичилса, бачадон, қорин, буйракни яхшилайди, ични боғлайди, унинг қизил донидан 10 кун ёки 12 кун қора буриштирувчи шарбат

билин ичилса, бачадондан оқаётган қонни тұхтатади. Агар уни болалар истеъмол қылсалар ёки ичсалар, уларда пайдо бўлаётган тошларни кеткизади.

5. Агар дон қайнатмасидан 50 граммига 200 грамм асал билан узум шарбат қўшиб ичилса, бачадон бўғилишига фойда қиласди (8 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан).

6. Бўғин оғриқларига 15 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, фойда қиласди.

7. Агар бемор пионгул уругини бўйнига тақиб юрса, тутқаноққа фойда қиласди. Бўйнидан олиб қўйса, тутқаноқ қайталайди. Тоза тиллани тақиб юрса ҳам фойда қиласди.

8. Агар мевасини жинни ва тутқаноғи бор кишиларга тутатилса (20 кун 2 маҳал), фойда қиласди.

9. Уруғи сувини асал ва узум шарбати билан 10 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, босинқирашга фойда қиласди.

10. Илдиз қайнатмаси «сарик»қа фойда қиласди ва жигардаги тиқилмаларни очади.



### ЗИФИР

1. Зифирни анжир билан аралаштириб, сепкил ва сутли тошмаларга суртилса, фойда қиласди.

2. Агар тенг миқдорда индов уруғига аралаштириб, асал билан қориб, тирнокларга суртилса (25 кун), буришишни, ёрилишни тузатади.

3. Мурч ва асал билан қўшиб суртилса, тиришишга ва хусусан, тирнокларнинг тиришишига фойда қиласди.

4. Зифир уруғининг тутуни тумов (грипп)га бегумон фойда қиласди (5 кун 3 маҳал тутатиш лозим).

5. Зифир қовурмаси 10 кун 3 маҳал 1 ош қошиқдан капаланса, шилликдан бўлган йўталга фойда қиласди.

6. Қовурилгани ични қотиради ва қовурилмагани эса мўътадиллар. Қовурилгани пешобни кучли ҳайдайди.


7. Зифирнинг қовурилганига аёал ва мурч қўшиб истеъмол қилинса, жинсий қувватни уйғотади.



8. Зигир қайнатмаси билан бачадон ичи ювилади Қайнатмасига ўтирилса, бачадондаги ачишиш ва шишларга фойда қиласи (10 кун 2 маҳал).

9. Зигир уруғ қайнатмасини 10 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, қовуқ ва буйраклар, яраларга фойда қиласи.

10. Зигир қайнатмасини 40 кун 3 маҳал 50 граммдан ичилса, ўпка силига фойда қиласи.



## МАККАИ САНОНИНГ ДАВОЛИГИ

1. Ярим мисқол (2,13 грамм) санони 5 ош қошиқ асал билан қўшиб (5 кун 3 маҳал) оч ҳолда истеъмол қиласи, бел бақувват бўлади.

2. Қанд билан қўшиб (5 кун 3 маҳал) истеъмол қиласи танадаги совуқликни ҳайдайди.

3. Шакар билан истеъмол қиласи, кўкракни ифлос моддалардан тозалайди.

4. Новвот билан қўшиб истеъмол қиласи, сезгиларни бақувват қиласи.

5. Ёғ билан бир оз шакар қўшиб еса, ҳеч қандай дардга мубтало бўлмайди.

6. Ёғ билан истеъмол қилинса, сафрони қувади ва пешдан ҳосил бўлган оқликни йўқотади, меъдадаги ифлос моддаларни суриб чиқаради.

7. Сигир сути билан қўшиб ичилса, юз рангини очади ва кучни оширади.


8. Кўй сути билан ичилса ҳам, шу даражада қувват бағишилайди.

9. Туя сути билан ичилса, доимо хушвақт бўлади ва истисқо (сариқ сув касаллиги)ни ҳайдайди.

10. Шуни аёл сути билан бир ой ярим мисқолдан (2,12 грамм) ичган аёл доимо бўлади.

11. Оху сути билан ичилса яшарид эрлик кучи шундай ошадики, қанчалик йўл юрмасин ҳеч чарчамайди.

12. Уни янги хурмо билан истеъмол қилинса, очликдан қийналмайди.



13. Анор суви билан қүшиб ичилса, бакувват бўлади, кўкракни тозалайди, иштаҳани очади, кўкрак оғригини кувади. Ҳар хил дардларга мубтало бўлмайди.

14. Татим суви билан ичилса, қориндаги ҳар хил куртларни туширади, баданнинг заифлигини кувади.



OFIZ ҲИДЛАНИШИНИ ДАВОЛАШ

1. Долчинни туйиб, асал қўшиб, уч маҳал овқатдан кейин милкларга суртилса ҳид кетади (10 кун).
2. Долчинни қайнатиб, 3 маҳал овқатдан кейин ofiz чайилса, ҳид кетади (10 кун).
3. Ёввойи анор гулига асал қўшиб, милкларга суртилса, ofiz ҳиди кетади.
4. Наъматак мевасини қайнатиб, ofiz чайилса, яхши бўлади.
5. Далачой уруғ қайнатмаси билан ofiz чайилса, ҳид кетади.
6. Қалампирмунчоқни туйиб, талқонига асал қўшиб, 1 суткадан кейин истеъмол қиласа ва милкларга суртса ҳид кетади (даволаш муддати 10 кун 3 маҳал).
7. Саримсоқпиёз ва қалампирмунчоқ қўшилиб, тенг миқдорда асал аралаштирилиб, 1 сутка қолдирилиб, саҳарда ва ётишдан олдин кашнич ўти билан қўшиб, 1 ош қошиқдан истеъмол қилинса, даво бўлади.

ЖИГИЛДОН ҚАЙНАШИНИ ДАВОЛАШ

1. Шафтоли барги, меваси ва данагининг қайнатмаси ошқозон, ичакларни даволайди (10 кун 3 маҳал 1 пиёладан ичиш лозим). Бош ofриги ва кўнгил айниши ҳам қолади.
2. Бўтакўз, тоғ райхони, қизилдўлана қайнатмасини 3 маҳал 50 граммдан ичса, жигилдон қайнаши қолади.
3. Арлабодиённи қайнатиб ёки 3 маҳал чой қилиб дамлаб ичилса ҳам фойда беради.
4. Седана талқонини 3 маҳал ярим чой қошиқдан каланса, даво бўлади.
5. Сигир, кўй ёки эчки сутларини баравар қўшиб, қатик қилиб халтага солиб, зардобини 5 кун сув ўрнида ичилса, фойда беради.

## КҮКРАК ЯРАСИ

1. Мол миясига мүмиё аралаштириб суртилса, тузалади.
2. Гулхайрини қайнатиб, латтани түйинтириб, ярага 3 маҳал ёпишириб боғланса, оғриқ ва яра тузалади (даволаш муддати 15 кун).

## БУРУН КАСАЛИНИ ДАВОЛАШ

1. Назла гулинин туиб, элаб оз-оздан бурунга тиқиб, 5–6 маҳал ҳидланса, таъсирини тезда кўрсатади.
2. Мол миясига мүмиёни қўшиб суртилса, фойда қилади.
3. Ички яра бўлса, қуруқ бўлса, семиз ўт сувига аччиқ бодом ёғи қўшиб суртилса, тузалади.
4. Товуқ ёғи билан заъфарон барги қўшиб суртилса, фойда беради.

## ТЕМИРАТКИНИ ДАВОЛАШ

1. Данипаранг ва аччиқ тошни тенг қўшиб, қаймоқ билан аралаштириб, 1 суткадан кейин суртилса тез кунда тузалиб кетади (8 кун 3 маҳал).
2. Так-так унини атала қилиб, 3 маҳал суртилса ҳам фойда беради.
3. Қовун уруғини янчиб, қаймоққа қўшиб суртилса, фойда беради.
4. Қора андиз илдизини қайнатиб, 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса ва ярага суртилса, фойда қилади.
5. Олтингугуртга сирка қўшиб суртилса, фойда беради.

## ГИЖЖАНИ ТУШИРИШ

1. Индов талқонига асал қўшиб, оч қоринга 6 кун 3 маҳал 1 чой қошиқдан истеъмол қилинса, гижжа тўлиқ ўлиб тушади.

- Шафтолининг хўл барги сувига пахтани тўйинтириб киндикка ёпиштириб боғлаб ётса ҳам гижжани даф этади.
- Бўйимодарон ўсимлик гулидан куюқ қилиб, оч ҳолда 3 маҳал чой қилиб ичилса ҳам тузалади.
- Ёнгоқ баргига баравар сабзи уругини қўшиб қайнатиб, оч ҳолда 3 маҳал 100 граммдан ичилса ҳам фойда қиласди.
- Маккай санони қайнатиб, оч ҳолда 100 граммдан ичса ҳам гижжа тушади.



### СОЧ ЎСТИРИШ

- Абу жаҳл тарвузи сувига бош ювилса, фойда қиласди.
- Зигир уруғи кулига кунжут ёғини аралаштириб, илдизига суртиш (10 кун 3 маҳалдан ишлатилади) лозим.
- Эшак туёғи кулини бошқа ҳайвонлар шохларининг кулига аралаштириб сирка қўшиб суртилса, яхши таъсир қиласди.



### СОЧ ТЎКИЛИШНИ ДАВОЛАШ

- Таратезак қайнатмаси бошга суртилса, соч тўклиши тўхтайди.
- Зайтун ёғи соч илдизига суртилса, фойда беради.
- Саримсоқ пўчоги кулини зайтун ёғига аралаштириб, соч илдизига суртилса, фойда қиласди.
- Наргис илдиз қайнатмаси сувини соч илдизига суртилса ҳам тўклиш тўхтайди.
- Бўйимодарон кулининг қайнатмаси суртилса фойда беради. Бу усулда даволаш муддати 10 кун 3 маҳалдан.




### ДОҒЛАРНИ ДАВОЛАШ

- Турп уругини туйиб, сирка қўшиб боғласа ҳам, дофлар кетади (3 маҳал 10 кун).
- Так-так баргидан тайёрланган куюқ дамламага пахбоғлаб қўйилади (12 кун 2 маҳал суртилади).

3. Бақлажоннинг қайнатмасига пахтани тўйинтириб, боғланса ҳам доф ва яралар ўрни кетади.

4. Рўян талқонига сирка қўшиб, 1 сутка қолдириб, 2 кун доғларга суртиб боғланса, доғлар кетади (2 ҳафта 3 маҳалдан).



## ГЕПАТИТ (САРИҚ КАСАЛИ)НИ ДАВОЛАШ

1. Кудрат норинни қайнатиб, 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин 2 ош қошиқдан ичилса, 5 кунда шубҳасиз тузалади (бу ўсимлик ватани Япония).

2. Қора зира уругини қайнатиб ичилса тузалади.

3. Қовоқ пўстини хомлигича истеъмол қиласа ҳам тузалади (1 ҳафта 3 маҳалдан). 5 ойлик жўжа, нўхат, анор ва равочларни пишириб, эзиб, сувини ичиш тавсия этилади.

4. Турп уругини 3 маҳал чой қилиб ичилади.

5. Седана уруғидан 7 тасини аёл сутига 1 сутка ивитиб, бурунга томизилса ва ичилса, кўз сариғи кетади (1 ҳафта 3 маҳалдан).

6. Рўянга асал қўшиб қайнатиб, 3 маҳал 50 граммдан ичилса ҳам тузалади.



## КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИ

1. Заъфаронни туйиб элаб, кўзга суртилса оқ кетади.

2. Кўздан ёш оқса, пилла фанагини қайнатиб томизилса, ёш тўхтайди (10 кун 3 маҳал).

3. Кўз оғриганда аёл сутини томизса, фойда қилади.

4. Кўз оғриса, парда, эт босса, қон босими кўтарилиса, зайдун ёги томизилса, фойда беради.

5. Оқ пиёз сувини аёл сути билан аралаштириб томизса (оқ тушса), тузалади (10 кун 3 маҳал).

6. Кўз қичиса, аёл сочини кўйдириб 1 кун 4 маҳал суртса тузалади.

7. Иссикда кўздан ёш оқса, сурма қўйса, фойда беради.

8. Оқ пайдо бўлса, лола сувига асал қўшиб суртса, фойда беради.

9. Кўзда шиш пайдо бўлса, семизўт сувига тухум сарифини қўшиб суртилса, шишлар кетади.



10. Ёш оқса, тухум ва сариёғ ейиш керак.  
Күз касалида шүр, аччиқ нарсалар ейилмайды, акс  
холда қон босими күтарилади.



## ТЕРИ ШҮРЛАНИШИ

1. Аңжир қоқини 30 дақыла қайнатыб, латтага шимдириб, ярага ёпишириб боғланади (3 маҳал), жийдани кўпкўп ейиш лозим.

2. Қора андиз қайнатмасига латтани ҳўллаб боғлаш керак (3 маҳал).

3. Исириқ қайнатмасини ҳам юқоридагидай қилиб ишлатса, фойда қиласди.

4. Салидолни қалин қилиб, 2 маҳал суртилса фойда қиласди.

Сабзи, помидор, нұхат, қовун, апельсин, сут ва кўкатларни кўп истеъмол қилиш тавсия этилади.



## ТУМОВНИ ДАВОЛАШ

1. Назла гулинини 5–6 марта оз-оз олиб, бурун йўлига юборса, тузалади.

2. Зифир поясини ипакдай қилиб туйиб, қизитиб, бош ўртасига босса, иссиқ таъсири сезилган заҳотиёқ тумов тузалади.

3. Бош ўртасига таъсири мияда сезилгунча иссиқ сув қуиб турилса, у дарҳол шифо топади.



## ҚЎЛ ВА ОЁҚ УВИШИШИНИ ДАВОЛАШ


1. Сариқ атиргул қайнатмасига латта ёки пахтани тўйинтириб ёпишириб боғлаб қўйилса, фойда қиласди.

2. Мурч талқонини кунгабоқар ёғига аралаштириб суртиб, уқалаб қўйилса, фойда қиласди.



## ОҚКОН КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШ

1. Талоқ ва жигарга ёввойи мурчнинг ёш новдаси билан баргини қўшиб, сариғи чиққунча қайнатиб, 20 кун



давомида 3 маҳал 2 ош қошиқдан овқатдан 30 дақиқа олдин ичилади.

2. Эрмонни оддий чой каби дамлаб ичилса, фойда беради.

3. Рўян, маккаи сано, зубтурум, қизилтасма, қўйпекакларни қўшиб чой қилиб ичилса, фойда беради.

4. Гулхайри илдизини чой қилиб ичилса, фойда беради.

Овқати: қарам, пиёз, қовоқ, нўхат, ловия ва кўкатларни кўп ейиш, бутунлай яхши бўлгунча сариёф, қўйгўшти, қовурма овқатларни емаслик лозим.



## КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ

Тутун, қуёш, оқ нарсалар, овқатларни кўп ейиш, кўп жинсий алоқа қилишнинг, ҳаммомга кўп тушишнинг, ҳаддан ташқари, кўп ухлашнинг кўзга зарари бор.

Кўз нурини камайтирадиган нарсалар: тутун, чанг, кичик нарсаларга кўп қараш, кўп ўқиши, хафақонлик ва урилишдир. Кўз нурини оширадиган нарсалар: ойдин манзаралар, кишилар кийими, ёруғлик.

1. Эчки жигарини ўтга кўйиб селини олиб, унга туз, узун мурч сепилади ва кўзга сурмадай суртилади. Қовурилган жигари ҳам ейилади.

2. Куён жигарини ҳам юқоридагидай қилиб ишлатилса, шифо бўлади.

3. Оқ, қора ва узун мурчни янчиб, сурма қилиб суртиласа, жуда катта фойда қиласди.

4. Асал билан арпабодиён сувини кўзга томизиб, кўзни узоқ вақт юмиб турилса, яхши фойда қиласди.

5. Кўзга оқ тушса, затъфаронни озроқ ёмғир сувида ивитиб ёки ўзини туйиб, намланган гуттурт чўпи билан 3 маҳал кўзга сурмадай суртилса, оқлик кетади.

6. Кўзга оқ тушса, сирка билан чигиртка унини қўшиб, қовоқقا суртилса, оқлик кетади (даволаш муддати 18 кун).

7. Кўзда оқ пайдо бўлса, саримсоқниёз сувини чигиртка унига қўшиб қовоқقا суртиш керак.

8. Кўзда шабкўрлик пайдо бўлса, кашнич барги билан мойчечакни қўшиб қайнатиб томизса, халос бўлади.



9. Кўзга оқ тушса, лолақизғалдоқ сувини асал сувига аралаштириб, кўзга қўйиб боғлаб ётилса, оқи кетади.

10. Кўзга оқ тушса, қуён ўтини қуритиб туйиб, кўзга сурмадай қилиб суртилса, тузалади.

Кўз яллиғланиши офтобда юришдан вужудга келади. Баъзан кўз яллиғланиши олов атрофида ўтиришдан бўлади.

Давоси: балғам қўчирадиган хўл таомлардан истеъмол қилинса ва Кобул халиласини туйиб, сурма каби кўзга суртилса, ўша заҳоти нафи тегади (муддати 10 кун).

Билингки, кўз касалликларининг барчаси жинсий алоқани кўп қилишдан, уйқусизликдан, кўп йиғлашдан, оғриқдан, иситмадан, иссиқда кўп оёқ яланг юришдан ва совуқ сувни бошга кўп қуишидан вужудга келади.

11. Агар шафтоли баргини куйдириб, сурма билан қўшиб янчилса ва кўзга суртилса, кўз ҳароратини кеткизади (15 кун 3 маҳал).

12. Арпабодиён сувини сурмага қўшиб суртилса, кўз ҳароратини туширади.

13. Агар кашнич сувини ёки гулобни кўзга тортилса, кўзга тушган оқи кетади (15 кун 3 маҳал). Агар араб хурмосининг уруғини куйдириб, асал билан аралаштириб кўзга қўйилса, кўз оқидаги қизил томирни ва кўзга тушган оқни йўқотади.

14. Агар кўп аксириш кўзни шиширса, бошга сирка ва ёф суртиш билан даволанади.

15. Тўтиё кўзга суртилса, кўздан сув келишини тўхтатди ва кўриш қувватини оширади.

16. Агар пашибани қуритиб, янчилса ва сурмага қўшиб кўзга суртилса, киприкларни ўстиради ва кўришни кучайтиради.

17. Агар хўрознинг қони кўзга суртилса, ўсиб кўзга тушган ортиқча мўйни йўқотади.

18. Сассиқпопишакнинг қони кўзга суртилса, кўзга тушган оқни кеткизади (15 кун 3 маҳал).

19. Мол, қўй жигарини кабоб қилиб, қон аралаш чиқадиган селини кўзга томизилса даво бўлади.

20. Оқ пиёз сувини томизилса (3 маҳал) даво бўлади.

21. Каклик гўшти суви ва ўти томизилса, шапкўрликни даволашга ёрдам беради (5 кун 3 маҳал).

22. Кундузи күрмайды, зайдун ёғини томизса, күради.  
(5–10 кун даволаш).

### ЮРАК КАСАЛИНИ ДАВОЛАШ

1. Омила талқонидан 3 маҳал ярим чой қошиқдан капаланса, яхши фойда топади (5 кун).
2. Халила талқонидан 3 маҳал ярим чой қошиқдан капаланса ҳам яхши фойда күради (5 кун).
3. Лимон ўт дамламасидан 10 кун чой қилиб ичилса ҳам, фойда беради.
4. Дўлана гулидан 10 кун чой қилиб ичилса ҳам тузалади.
5. Арча ургини туйиб, 3 маҳал 1 таблетка миқдорида капаланса ҳам шифо топади (10 кун).
6. Шафтоли меваси ва данаги мағзини қайнатиб, 3 маҳал 2 ош қошиқдан исчса ҳам тузалади (10 кун).
7. Зарьфарон чой қилиб ичилса ҳам, яхши фойда қиласи (10 кун).
8. Чукри уруғи талқони 3 маҳал 1 чой қошиқдан капаланса ҳам шифо топади.

### МАДОРСИЗЛИКНИ ДАВОЛАШ

1. 200 г ёнғоқ мағзи, 200 г қора кишмиш, 200 г бодом мағзи, 200 г писта мағизларини кўшиб, янчиб, коронғи жойда сақлаб 3 маҳал 2 ош қошиқдан истеъмол қиласа тузалади.
2. Анор сувидан 200 г, беҳи сувидан 200 г, лимон сувидан 200 г, ошқовоқ сувидан 200 г, кашнич сувидан 200 г, отқулоқ сувидан 200 граммдан олинниб, ҳаммасини кўшиб қайнатиб, 3 маҳал шарбатидан оч ҳолда 2 ош қошиқдан ичилса, фойда қиласи.

Овқати: кўй гўшти, тухум, хамиртуруш, сариёғ.

### ЖИНСИЙ ЗАИФЛИКНИ ДАВОЛАШ

1. 11 дона 5 ойлик жўжанинг ҳар бирини 1 кунда тузи ни камроқ қилиб, сувда милт-милт ёғсиз қайнатиб, 3 га

бўлиб З маҳал оч ҳолда ейилади, суви қўшиб ичилса, фойда қиласди.

2. 2 кг кунжутни қовуриб, озроқ намакоб сепиб, 2 кг шакар қўшиб, иккисини оз-оздан қўшиб ҳаммасини туйиб, қоронғи жойда сақлаб, эрталаб 1 маҳал З ош қошиқдан ейиш тавсия этилади.

3. Эрталаб 1 маҳал 300 г гүшт, 300 г пиёз қўшиб қовуриб ейиш (10 кун).

4. 3 маҳал 100 граммдан анор сувини ичиш фойда беради.

5. 10 кун 1 маҳал хантални 1 таблетка миқдорида капалаш кутилган натижани беради.

6. Саримсоқни қора қўчқор ёғига қовуриб истеъмол қиласа жуда бақувват бўлади.

7. Агар наргис ёғи жинсий аъзоларига суртилса, яхши фойда кўради.

8. Агар тухум ҳайвон мояги билан чала пишириб истеъмол қилинса, бақувват бўлади.




## БЕПУШТЛИКНИ ДАВОЛАШ

1. Қора нўхат талқонини З маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин ярим чой қошиқдан капаланса, алоқа кўпаяди.

2. Чучукмия ва каштар тухуми ейилса ҳам фойда қиласди.

3. Шолғом уруғига асал қўшиб еса ҳам фойда беради.

4. Так-такнинг пишган донини қуритиб, туйиб, 1 ош қошиқ миқдорида олиб, чой қилиб ичилса, шифо топади (8–9 кун 4 маҳал 100 граммдан ичиш тавсия этилади).



## УЙҚУСИЗЛИКНИ ДАВОЛАШ

1. Ошқовоқни пишириб асал қўшиб, З маҳал овқатдан олдин ейиш лозим (10 кун).

2. Говзирани қайнатиб, буғига бурунни тутиб, З маҳал ҳидлаш лозим.

3. Кашиччининг ҳўлини сиқиб, сувини 3 кун 1 маҳал 50 граммдан ичиш керак.

4. Арпанинг 500 граммига З литр сув қўшиб милт-милт



қирил қайнатиб, 3 маҳал 200 граммдан ичиш билан дардан халос бўлади.

## ◆◆◆ ЯРАЛАРНИ ДАВОЛАШ

1. Бош яраси испарак кулига қаймоқ аралаштириб суртилса, бегумон тузатади. Қичима яраларга суртилса, дарди кетади.
2. Нок қоқини ивитиб, яраларга боғланса тез тузатади.
3. Шивит кули бош ярасига қаймоқ қўшиб суртилса, тезда тузатади. Шу кулни ярага сепиш ҳам мумкин.
4. Бошдаги яраларга семиз ўт суви яхши ёрдам беради.
5. Ошқозон-ичак яраларига ёввойи анор гули дамламаси ўта шифобахшдир (3 маҳал овқатдан кейин 1 пиёладан ичилса, шифо бўлади).

## ◆◆◆ ҚУЛОҚНИ ДАВОЛАШ

1. Қулоқ қаттиқ оғригандага гўштнинг иссиқ селини томизилса, оғриқ кетади.
2. Алоэ суви қорамол ёғига аралаштириб томизилса, оғриқ қолади.
3. Агар қулоқ оғир бўлса, ювдириб бодом ёғи томизса, очилади.
4. Қулоқда қурт бўлса, ялпиз ва шафтоли баргидан тенг миқдорда аччиқ дамлама тайёрлаб, ётиш олдидан томизилса, шифо топади.
5. Йиринг бўлса, ёнғоқ меваси, шираси ва баргининг суви қўшилиб томизилса, тузатади.
6. Қулоқ шанғиллаб турса, 2 дона анжирни бир пиёла-га сиқиб, унга хантал қўшиб озгина қайнатиб, кўпигини қулоқка томизилса, тузатади.
7. Тулки ёғидан 3 томчидан 3 маҳал томизилса, карликка фойда қиласди.
8. Такасоқол қайнатмаси томизилса, кучли таъсир қиласди.

## ҚУРТЛАРНИ ТУШИРИШ

1. Аччиқ тарвуз сувини 3 маҳал оч ҳолда овқатдан 30 дақиқа олдин 1 ош қошиқдан ичилса, ҳар қандай майдан ва катта күртлар тушади.

2. Индовга асал құшиб истеъмол қылса ҳам, бегумон тушади (3 маҳал оч ҳолда 1 ош қошиқдан ейилади).

3. Бүйимодарон қайнатмаси 6 кун 2 ош қошиқдан ичилса фойда беради.

4. Саримсоқ пиёзни оч ҳолда 5 донадан 3 маҳал еса күртлар тушади.

## БОШ ОФРИНИНІ ДАВОЛАШ

1. Бош оғриғига зағаронни сувда ивитиб пешонага суртилса, фойда қылади.

2. Газак ўтига ялпиз ва сиёх рангини аралаштириб суртса, пешона оғриғи тұхтайди.

3. Ханталға асал құшиб, товуқ патини аралашмага ботириб, томоққа теккизиб кустриләди. Касал ухламаслиги, совуқ сув ичмаслиги керак, бошиға, баданиға зайдүн ёғи, сода, мурч, назла үтлари құшиб суртиләди. Назлани ҳидлаш ҳам фойдаидир.

4. Оёқ ва құллар қызарғунча үқаланади. Миср бақиласи қайнатмаси, арпа қайнатмаси, нұхат қайнатмасини құшиб 3 маҳал 50 граммдан ичилса, тузалади.

Касални овқатдан кейин бир неча соат үқалаш керак.  
**Бош оғриқ** чекинади.

5. Бош оғриқ пешона атрофида бўлса қон босими ошганлиги белгисидир.

Давоси: қон олдирса, бемор дарҳол тузалади.

Бошқа давоси: чилонжийдан қайнатиб ичса, фойда қылади.

Кашнич уруғини капаласа ҳам оғриқ қолади.

6. Бош оғриқ бошнинг орқа томонидан бўлса, бу балғамдан бўладиган иллат.

Давоси: Озроқ шакарни идишга солиб, шакарнинг бетини сал ёпадиган қилиб сирка қуйилади ва паст оловда қайнатилади. Қайнатма 3 күн, 3 маҳал 50 граммдан ичи-

лади ҳамда унинг устидан турп ва шивит суви 2 ош қошиқдан ичилади.

Илова: Балғамни қусиб ташламагунча ичилади. Бунда турп ва шивит сувлари илиқ бўлса, бош оғрифи ўша заҳтиёқ тұхтайди.

Бундан ташқари, бурун тагига ишқор (шўра) ўти туатилса, дард ўша заҳотиёқ йўқолади.

7. Шафтоли баргини қуюқ ҳолда чой қилиб ичилса, оғриқ йўқолади.

8. Олдинги томони оғриса, чилонжийдани қайнатиб, 10 кун 3 маҳал ичилса, тузалади.

9. Бошнинг ўрта қисми оғриса, аччиқ сиркага солинган бодринг уруғини истеъмол қиласа, тузалади.

10. Нордон шарбатлар ичилса ҳам оғриқ қолади.

11. Куруқ кашнич баргини еса ҳам оғриқ тұхтайди.

12. Бошнинг орқа қисми оғриса, асалға сирка қўшиб паст оловда қайнатиб, унга турп сувини қўшиб 10 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиб орқасидан шивитнинг сиқиб олинган сувини 30 граммдан 3 маҳал ичса яхши бўлади (сувлар илиқ бўлсин).

13. Бошқа давоси: омила билан халилани қўшиб қайнатиб, мураббосини 5 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, тузалади.



## ЁНБОШ ОҒРИФИНИ ДАВОЛАШ

Бу оғир касаллик бўлиб, давосини билмасликларининг сабаби, кўпинча касал оғир аҳволга тушиб қолади. Бу думғаздан обекқача соннинг ташқи томонидан бўладиган касалликдир. Бу касални ҳам даволаш йўли топилган.

Давоси: 500 грамм рўян илдизи 4 литр сувда милт-милт ҳолда 2 соат қайнатилади. Қайнатмани сузиб, тенг миқдорда тоза асал қўшиб, яна 30 дақиқа қайнатилади. Қайнатмани бемор 3 маҳал 50 граммдан овқатдан 30 дақиқа олдин ичади. Беморнинг ичи юмшаб, 2 ҳафтада тузалади.

Кўп bemорлар йиллаб даволанган, ўзгармаган, юриш, ётишда қийналғанлар. Мен мана шу касални даволадим, Аллоҳга шукр, қисқа вақт ичидан bemорлар сиҳат топдилар.

## ОШҚОЗОН ВА ЙЎГОН ИЧАКНИ ДАВОЛАШ

1. Ошқозон ва йўғон ичак шиллиқ пардаларининг яллигланиши ошқозон ва ичак санчиғини келтириб чиқаради.

Давоси: Иван ўсимлигидан 15 кун 3 маҳал чой қилиб ичилса, ҳамда парҳезга амал қиласа тузалади.

Бошқа давоси: Такасоқолнинг илдиз қайнатмаси ошқозон ва йўғон ичак яраларига 10 кун 3 маҳал овқатдан олдин 3 ош қошиқдан парҳез қилиб ичилса, кутилған натижани беради.

## ДИАБЕТ (ҚАНД КАСАЛИ)НИ ДАВОЛАШ

1. Эчки, қўй ва сигир сутларини тенг миқдорда қўшиб қатиқ қилиб, 3 маҳал 50 граммдан зардобини ичиш лозим.

2. Ёнғоқ баргини чой қилиб ичиш керак.

3. Беҳи барғи ва пўстлоғини қўшиб, чой қилиб ичиш керак.

4. Ўрик мевасига ўрик танасини қўшиб, чой қилиб ичиш керак.

5. Пишмаган узум фўрасини сиқиб, сувидан 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш лозим.

6. Шум гиёҳни чой қилиб ичиш лозим.

Овқати: қотган нон, семиз товуқ гўшти, ҳар куни суюлтирилган хамиртуруш сувидан 1 пиёла, 1 пиёла олма шарбатини ичиш, фақат 1 ёшли бузоқ почаларини қайнатиб ейиш, жисмоний меҳнатни кўп қилиш, кўкатларни кўп ейиш тавсия этилади. Касал 1 ойда тўлиқ шифо топиб кетади.

Мен бу касалларни кўп даволаганман. 80 ёшли боболар ҳам шифо топганлар.

## ЭНУРЕЗ (СИЙИБ ҚЎЙИШ)НИ ДАВОЛАШ

1. 2 боғ исирикка 1 пақир сув қуйиб 25 дақиқа милт-милт қайнатиб тогорага ағдариб шу сувга ўтирилади, 20

кун кечаси 1 маҳал ваннага 30 дақиқадан ўтирилади, бошқа сувда чўмилмай кийим кийилади (Ванна қилган вақтда бемор белигача сувда бўлиш керак).

2. Кечаси оёқ кафтига тоза асал кўйиб 10 кун ётиш керак.

3. Кечаси киндигидан бошлаб оёғигача қора кўчқор ёғини суртиб ётиш тавсия этилади (20 кун).

4. 30 кун 1 маҳал қовуғини очиб қуёшда ялангоч тутиб туради (ўтиришдан олдин қовуғига доғ қилинган пахта ёғи суртилади).

5. Ҳар куни 1 маҳал 6 дона ёнғоқ, 2 чой қошиқ асал, 1 боғ кашнич ейди. Кунора нўхат ва ловия ейиши шарт (20 кун 3 маҳал 1 қошиқдан ейилади).

6. Чой ўрнида наъматакни дамлаб, 3 маҳал тўйгунча ичилади.

7. Чириган темирни сиркада қайнатиб, 3 маҳал 30 граммдан ичиш керак.

8. Зифир талқонига асал аралаштириб, 3 маҳал 1 ош қошиқдан ликопчага солади ва қорни билан ётиб, ялаб тутатиши лозим.

9. Ҳар куни 3 маҳал 2 ош қошиқдан қора кўчқор ёғини ичиш шарт. Зинҳор батамом тузалмагунча хўл мевалар: қовун, тарвуз, аччик, шўр овқатларни емайди. Қисқа вақтда бемор шифо топиб кетади.



## БЕЛ ОГРИФИНИ ДАВОЛАШ

Бел огрифига шамоллаш, зўриқиши, оғир нарсаларни кўтариш сабаб бўлади.

1. 3 маҳал 2 буғдой катталигидай зиркни сутга эритиб ичиш, кечаси товуқни сўйиб тезда ички шиллиқ томонини белга ёпишириб, устига кўрпа ва гилам ёпиб, 2 соат ётилса, терлаш натижасида зардоб ва тузлар чиқиб кетади. Бу ҳолат камида 6 марта такрорланса, бемор тўлиқ тузалиб кетади.

2. Лат еган, ичикканга бўйимодарон қайнатмасига пахтани тўйинтириб, ёпишириб боғлаб кўйилади. Шунингдек, 3 маҳал қайнатиб ичиш ҳам мумкин.

3. Бел оғриғига шафтоли данагини яңчиб, 3 маҳал қапалаш, баргини чой қилиб ичиш фойда беради.

4. Бел оғриғига исириқни 2 маҳал қайнатиб, ванна қилинса, бемор тузалади.

5. Ёнғоқ, ўрдак, товуқ ёғларига қор күшиб, паст олов устида аралаштирилади, сүнг шишага солиб қўйилади, бел оғриғанда оловга тутиб суртилса, натижаси тезда сезилади.



### СУЯКЛАР ҚАҚШАШИНИ ДАВОЛАШ

1. Ошқовоқни пишириб, асал қўшиб, 3 маҳал 100 граммдан истеъмол қилинса, шифо бўлади.

2. Тизза ва суюклар қақшаб оғриса, исириқ қайнатмасига латта ботириб 10 кун боғлаб юриш (ҳар куни 2 маҳал такрорлаш) лозим.

3. Ёнғоқ баргини қайнатиб, 40 дақиқа ванна қилса ҳам фойда беради (халқ табобати тажрибасидан).

4. Ишлатилган афтолни суртиб, қўёшда ўтирса ҳам шифо топади.

5. Абу жаҳл тарвузи баргининг сувини суртиб, боғлаб юрса ҳам шифо бўлади.

6. Кўл ва оёқ оғриқларида, суюк қақшаб оғришида, бетлар шишганда мурчнинг барг ва новдасини сарифи чиққунча қайнатиб, шу сувга докани 2 қават қилиб тўйинтириб, оғриқ бўлган жойга ёпиб, салафан билан ўраб боғланса, таъсир қиласди.



### БЎФИН ОҒРИҚЛАРИНИ ДАВОЛАШ

1. Қора андиз қайнатмасини 3 маҳал 50 граммдан ичса, бемор шифо топади.

2. Зайтун ёғини 3 маҳал оғриған жойларига суртиб, уқалаб, қўёшда 2 соат ўтирса, фойда қиласди.

3. Ошқовоқни чўғда пишириб, 3 маҳал 200 граммдан истеъмол қилса ҳам фойда қиласди.

4. Дог қилинган оқ ёғни бўғимларга суртиб уқалаб, бошга оқ рўмол ўраб, оёқ тагига тахтачани қўйиб, 15 кун 2 соатдан қўёшда ўтирилса, шифо топади. Каврак смола-



сиги (сақичини) 3 маҳал буғдой донидай олиниб, 2 ош қошиқ сутга аралаштириб ичилса, фойда қиласи (муддати 15 кун).

5. Зира қайнатмасини 3 маҳал 50 граммдан ичилса, фойда қиласи.

6. Рёян қайнатмасини парҳези билан 3 маҳал 50 граммдан ичилса (хўл мевалар ейилмаса), касал тузалади.

7. Кудрат норин қайнатмаси 15 кун 3 маҳал ичилса, қайнатмага докани хўллаб оғриган жойларга ёпиштириб дока қуригунча турса, касали парҳез билан бегумон тузалади (3 маҳал).

8. Ўлмас ўтидан 3 маҳал овқатдан кейин чой қилиб 10 дақиқа дамлаб ичилса, фойда беради. Тузалгунча хўл мевалар, совуқ нарсалар ейилмайди. Истисно тариқасида хом карам ейиш мумкин (15 кун 3 маҳал). Оғриган жойга туйилган карам боғлаб ётилади.

### СЕПКИЛНИ ЙЎҚОТИШ

1. Равоч илдизини сиркага аралаштириб, юзга суртиб, боғлаб ётилса, доф ва сепкил кетади.

2. Аччиқ бодом талқонини сиркада 1 сутка ивитиб, сепкилли юз ювилса ва боғлаб ётилса, фойда қиласи.

3. Мошни янчиб, уни атала қилиб суртилса, доф ва сепкиллар кетади.

4. Мускат ёнғонини янчиб, ивитиб, юз ювилса доф ва сепкиллар кетади.

5. Так-так унини атала қилиб, юзга суртилса, сепкили кетади. Кечаси атала суртиб ётилса, яхшироқ бўлади.

6. Тулки ўпкасини юпқа қилиб кесиб юзга боғлаб ётилса, яхши фойда қиласи.

### ИЧ КЕТИШИНИ ДАВОЛАШ

1. Анор пўстлоғи қайнатиб ичилса, ич кетишига фойда қиласи.

2. Бўтакўз ўсимлигини қайнатиб, 3 маҳал 100 граммдан ичилса, шифо топади.

3. Чукри илдизини 3 маҳал 1 чой қошиқдан капаласа фойда беради.

4. Жийдани ёпиқ идишда қайнатиб ичса ҳам шифо топади.

5. Товук гүштини ёғсиз қайнатиб, 3 маҳал сертуз қилиб истеъмол қилса ҳам, фойда қилади.

6. 5 дона ёнғоқ мағзини туйиб, эчки сутида қайнатиб, 3 маҳал 100 граммдан ичилса, шифо топади (5 дона ёнғоқ мағзига 500 грамм сут).

7. Буғдойга намакоб сепиб, қовуриб истеъмол қилса ҳам фойда қилади. Тузалмагунча зинҳор суюқ овқат ва хўл мевалар ейилмайди.

## ЮҚОРИ НАФАС ЙЎЛЛАРИНИ ДАВОЛАШ

1. Анжир коқини ёки ўзини қайнатиб, 3 маҳал 50 граммдан ичилса, фойда беради.

2. Алоэга тоза асални баробар қўшиб қайнатиб, 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, шифо топади.

3. Индов талқонига асал қўшиб, қориб истеъмол қилса (3 маҳал 1 чой қошиқдан) фойда қилади.

4. Андиз илдизи қайнатиб ичилса, шифо топади.

5. Тоғ жамбилини чой қилиб 3 маҳал овқатдан кейин ичса ҳам даво топади.

6. Қасқонда дамлаб пиширилган беҳини шолғом билан истеъмол қилса (3 маҳал 100 граммдан) шифо бўлади.

7. Йўтаг қуруқ бўлса, турпни сабзидай тўғраб қозонга солиб, устига шакар сепиб димлаб пишириб, 3 маҳал 2 ош қошиқдан еса тузалади.

8. Кашич уругини ва илдизини тенг миқдорда қўшиб, 500 мл сувда 10 дақиқа қайнатилади. 3 маҳал овқатдан олдин 2 ош қошиқдан ичилса, шифо бўлади.

9. Арпа, жавдар, сули тенг миқдорда олинниб, 2 дона аччиқ бодом мағзи қўшилиб, ҳавоничада талқон қилинади. Талқоннинг 1 чой қошигини 2 қошиқ сутга қўшиб, 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин ичилса, шифо бўлади.

10. 1 чой қошиқ тоза асалга 2 ош қошиқ арпабодиён талқонини қўшиб чойнакдаги сувга солиб, озроқ қайнатиб докадан сузиб, ҳар 2 соатда 2 ош қошиқдан ичиб ту-

рилса, фойда қилади. Касал яхши бўлгунча ширинликлар, аччиқ ва совуқ нарсаларни емайди.

### ИШТАҲАСИЗЛИКНИ ДАВОЛАШ

1. Ширин бодом мағзи 100 г, ёнғоқ мағзи 100 г, писта мағзи 100 г, қора кишмиш 100 г кўшиб, туйиб, қоронги жойда сақлаб, фақат саҳарда 1 маҳал 2 ош қошиқдан истеъмол қилинса, иштаҳа карнай бўлади.

2. Ширин бодом мағзига баробар шакар қўшиб ҳавончада туйиб, ҳолва қилиб, 3 маҳал 2 ош қошиқдан истеъмол қиласа ҳам фойда беради.

3. Игир илдизини 25 дақиқа қайнатиб ичилса, иштаҳани очади, ел ҳайдайди, иситмани туширади. Балғамни кўчириб, йўтал ва кўкрак оғрифини қолдиради (3 маҳал овқатдан олдин 100 граммдан ичиш лозим).

### ИСИТМАНИ ТУШИРИШ

1. Назла илдизини қайнатиб, сувига докани тўйинтириб, баданга ёпиштирилади. 2 соатдан кейин яна тўйинтириб, яна ёпиштирилади. Иситма тушгунча ҳар 2 соатда алмаштирилади. Бемор тезда шифо топади.

2. Сиркага 3 маҳал нонни тўғраб истеъмол қиласа ҳам, иситма тушади.

3. Қора теракнинг энди ўсиб келаётган баргини 3 маҳал овқатдан кейин чой қилиб ичилса фойда беради.

4. Кашнич уруғи чойини оч ҳолда 3 маҳал 100 граммдан ичилса, иситма тушади.

5. Қора зира уруғини 3 маҳал чой қилиб ичилса ҳам иситмани туширади.

### АСТМА (НАФАС ҚИСИШИ)НИ ДАВОЛАШ

1. Тулки ўпкасига пиёз қўшиб ейилади. Нафас қисишига тенг миқдорда олиб тайёрланган жийда, беҳи дамламаси ёрдам беради (муддати 20 кун).

2. Исириқ уруғига зигир уруғини тенг миқдорда қўшиб қайнатиб, докадан сузиб, 3 маҳал 50 граммдан ичиш лозим.

3. 300 грамм анжир мевасига 400 грамм сут құшиб қайнатиб ичилса, даво бүлади.

4. Газак ўтини 3 маҳал овқатдан кейин чой қилиб ичиш керак.

5. Беҳи уруғидан дамлама тайёрлаб, 3 маҳал ичиш тавсия этилади.

6. Индов талқонини 3 маҳал ярим чой қошиқдан капаласа ҳам шифо топади.

Индов ёғини 3 маҳал ярим чой қошиқдан ичса ҳам шифо топади.

7. Кашничнинг сиқиб олинган сувига озроқ кунжут ёғи аралаштириб, 3 маҳал овқатдан кейин 2 ош қошиқдан ичилса ҳам фойда қиласи.

8. Абу жаҳл тарвуз суби нафас қисиш, буйрак касалига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилса, фойда қиласи.

9. Халила талқонини ёки қайнатмасини 3 маҳал 2 ош қошиқдан овқатдан 30 дақиқа олдин ичилса, юрак қисиш, юрак ўйнаш, бош оғригини яхшилашга фойда қиласи.

10. Зира талқонига сув ва сирка құшиб аралаштириб ичилса нафас қисиш, тикка нафас қисишга фойда қиласи (3 маҳал 1 чой қошиқ сирка) құшиб ичилади.

11. Мұмиёни саҳарда 1 маҳал буғдой катталиги миқдорда истемол қиласа, тузалади (10 кун).

12. Чукри уруғини 3 маҳал 1 чой қошиқдан капаласа ҳам фойда қиласи.



## БАВОСИЛНИ ДАВОЛАШ (ГЕМОРРОЙ)


1. Седанани қайнатиб, 3 маҳал 100 граммдан ичилса, фойда қиласи.

2. Сигирқурық баргини чой қилиб, овқатдан кейин 3 маҳал 3—4 пиёладан ичилса, шифо топади.

3. Тұтиё талқонини илиқ сувда атала қилиб, суртиб ётилса, фойда қиласи.

4. Куристилган янтоқға саримсоқпішни тенг миқдорда құшиб, устига таги тешик челак қўйиб атрофига лой суртиб, тутатилиб, устида 15 дақиқа ўтирилса, фойдаси бўлади.

5. Жинжак илдизини қайнатиб, 3 маҳал 50 граммдан ичилса ҳам яхши фойда қиласи.



6. Алоэнинг сиқиб олинган сувига канакунжут ёғини аралаштириб, 3 маҳал суртилса, фойда қилади.

7. Шу касалдан ич қотса, аччиқ бодом ёғига тенг миқдорда сариёғ аралаштириб ичилса ёки 50 грамм канакунжут ёғи ичилса, 3–5 соатда фойда беради.



## БҮЙРАКНИ ДАВОЛАШ

1. Кудрат норин меваси қайнатмасини 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин 2 ош қошиқдан ичилса, буйрак, жигар, ўт, ошқозон ва сариқ касалликларидан умуман холос бўлади. Бу усул кўп тажрибадан ўтган.

2. Долчин қайнатмаси ҳам яхши шифо беради.

3. Узум сиркаси ичилса ҳам фойда қилади.

4. Саримсоқ ейилса ҳам фойда қилади.

5.. Бўйимодаронни 3 маҳал чой қилиб ичилса, оғриқ тўхтайди.

6. Игир қайнатмаси ўт, пешоб тошларини туширади (3 маҳал 50 граммдан ичиш) лозим.

7. Атиргул гули ва барги қайнатмаси ўт, буйрак, қовуқ ҳамда пешоб йўлларидаги тошларни туширади (3 маҳал 100 граммдан оч ҳолда ичилади. Муддати 15 кун).

8. Гули қорақош илдизи ва барг қайнатмасини (3 маҳал 50 грамм 15 кун ичилса) ҳам шифо топади.

9. Беҳи сувига тенг асал ва озгина сирка қўшиб, 3 маҳал оч ҳолда 50 граммдан ичилса, яхши фойда топади.

10. Рўян қайнатмасини оч ҳолда 50 граммдан 3 маҳал ичилса ҳам шифо топади.


11. Ўлмасўт чойини 3 маҳал овқатдан кейин 4–5 пиёладан ичилса, фойда қилади (парҳезларига жиддий эътибор берилиши шарт).



## БЎШАПИШНИ ДАВОЛАШ (ФАЛАЖ)

1. Гулсапсар илдизини қайнатиб, оғриган жойга суртилса, фойда қилади.

2. Канакунжут ёғига аччиқ тарвуз илдиз талқони қўшиб қайнатиб, 3 маҳал 1 чой қошиқдан ичиш лозим.



3. Сканжубинни тайёрлаш: 43 грамм шакарга озроқ сув күшиб қайнатилади ва 13 грамм сирка күшиб 2–3 дақиқа қайнатиб, эрталаб 1 ош қошиқдан ичилади, орқасидан 1 ош қошиқ исириқ суви ичилади.

4. Игир қайнатмасига асал қүшиб аралаштириб, 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

5. Мурч талқонини 1 таблеткадай миқдорда 3 маҳал капалаш лозим. Орқасидан сув ичмаслик керак.

6. Қашқарбедани 3 маҳал овқатдан кейин чой қилиб ичиш лозим.

7. Гулли қорақош ўсимлик илдизини қайнатиб, 3 маҳал 50 граммдан 15 кун ичиш керак.

8. Асал шарбатини 100 мисқолидан 70 мисқол қолгунча қайнатиб, 7 кун 3 маҳал 50 граммдан ичиш тавсия этилади.

9. Мол ёғига teng миқдорда асал қүшиб, 3 маҳал 1 ош қошиқдан ейиш тавсия этилади.

10. Ёввойи кантар боласининг гўшти нўхат сувига солиниб зира ва заъфарон қүшиб овқатдан олдин ейилади, 14 кундан кейин сурги дори ичилса тузалади, 3 маҳал оғзидан мускат ёнғоғи тушмасин.

11. Маккай санони қайнатиб, 3 маҳал 50 граммдан ичиш керак.

12. Исмалоқ баргини қайнатиб, 3 маҳал 100 граммдан овқатдан 1 соат олдин ичиш керак.

13. Зайтун ёғига табиий шўра кулини қўшиб, оғриган жойларга 3 маҳал суртиш лозим.

14. Наргис илдизини туйиб, оғриган жойларга 3 маҳал суртилса, тезда фойда қиласди.

15. Мойчечак қайнатмаси бошдаги қотиб қолган қонни эритади, меъда ва бош оғриқларига 3 маҳал 50 граммдан ичилса, фойда қиласди.

16. Рўянга асал қўшиб, 25 кун 3 маҳал 50 граммдан ичилса, фойда қиласди.



## МИЛК ҚОНАШИНИ ДАВОЛАШ

1. Ёввойи анор гулига тоза асал қўшиб суртилса, тезда тузалади.

- Далачой қайнатмасига фар-фара қилинса, тузалади.
- Анор пўстига сирка қўшиб қайнатиб, оғиз чайилса, оғриқ қолади.
- Аччиқтошни қайнатиб, овқатдан кейин 1 ош қошиқ олиб, 3 дақиқа оғизда сақлаб ташласа ҳам милк қонаши, тиш оғриқлари тузалади.



### ИЧАК ЯРАСИНИ ДАВОЛАШ

- Ширинимия илдизи қайнатмаси меъда, 12 бармоқли ичак яраси ва яллиғланишига 3 маҳал 100 граммдан ичилса, фойда беради.
- Мускат ёнғоги ичак, ошқозон ярасини, танадаги ҳидларни йўқотиш учун қайнатиб, 3 маҳал оч ҳолда 50 граммдан ичилса, фойда қиласди.
- Такасақол гули ва баргини қайнатиб, 3 маҳал 50 граммдан ичилса, ичак яраларини йўқ қиласди.
- Андиз қайнатмаси ҳам ичак, ошқозон яраларини 3 маҳал 50 граммдан ичилса, тузатади.
- Аччиқ шувоқ қайнатмаси ҳам ичак ярасига даводир (3 маҳал 2 ош қошиқдан ичиш керак).
- Гулхайри илдизи 12 бармоқли ичак ярасига даводир, уни қайнатиб 3 маҳал 50 граммдан ичилса, шифо топади.
- Алоэга баробар асал қўшиб қайнатиб, 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин 2 ош қошиқдан ичилса, ошқозон, ичак, ўпка, жигар ва ўт касалликларига шифо булади.
- Татим уругини қайнатиб ичса ҳам фойда қиласди.
- Бўйимодарон уругининг қайнатмаси ҳам даводир.
- Анор гули ва уругини қайнатиб ичса ҳам, даводир.
- Ичак, ошқозон яраларига қўзичоқ гўштини қайнатиб (10 кун 3 маҳал) суви билан истеъмол қилинса, даво бўлади.
- Райҳон уруғи қайнатмасини 10 кун мунтазам ичса ҳам дардга даво бўлади.
- Равоч уруғи қайнатмасини 10 кун 3 маҳал 50 граммдан ичилса, фойда қиласди.
- Мойчечакни қайнатиб ёки чой қилиб ичилса (3 маҳал 50 граммдан) дард арийди.

15. З маҳал 1 ош қошиқдан сирка ичилса ҳам, ичак яралари тузалади.

16. Мозини янчиб қайнатиб, З маҳал 1 ош қошиқдан ичилса, ичак, ошқозон яралари тузалади.



## ПЕС ВА МОХОВНИ ДАВОЛАШ

1. 100 грамм девпечакни 1 литр сувда қайнатиб, З маҳал 100 граммдан ичилса, тезда ўз самарасини кўрсатади (даволаш муддати 6 ой). Парҳези: тузли овқатлар, ҳолва, қанд, новвот емаслик керак.

2. Ёввойи анжир илдизини туйиб наҳорга 1 маҳал 30 граммдан капалаш керак (6 ой давомида).

3. Типратиканни қайнатиб, сувини З маҳал 100 граммдан ичиш керак.

4. Чайён пўстини сиркага аралаштириб суртиш лозим (6 ой давомида).

5. Моховга: типратикан гўшти қайнатмасини сиркага аралаштириб суртиш керак (6 ой давомида).

6. Индов талқонини 40 кун 1 маҳал 7 граммдан капалаш, орқасидан 2 ош қошиқ эчки сути ичиш тавсия этилади.

7. Ўсимлик ёғига маккаи сано қўшилиб аралаштирилади, аралашмани бир сутка қолдириб, ундан кейин З ой З маҳал оч ҳолда бир ош қошиқдан ейилади.

8. Шу аралашмага пахтани тўйинтириб касал жойига, юпқароқ ёйиб ёпиштириб, қуёшда бошига оқ рўмол ўраб 6 соат ўтирилади, кечаси ҳам худди шундай қилиб боғлаб ётилади.

9. 6 ойгача арпа унидан нон ейилади (яхши бўлиб кетса ҳам).

10. 6 ой қуритилган мол гўштини 2 маҳал 100 граммдан тусиз ҳолда ейиш мумкин. Фақат ўсимлик мойидан тайёрланган овқатларнинг қайнатмаси истеъмол қилинади. Ҳаммомга кўп тушиш талаб қилинади. Бутунлай соғайиб кетгунча аччиқ, шўр, балиқ, тухум, ҳар қандай гўшtlар, қовурма, ёғли овқатлар истеъмол қилинмайди.



## АСАБ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ

Асабларнинг 3 хил, яъни: мизож, қурол, узлуксизлик бузилиш касали бўлади. Асабларнинг табиий сезиш ва ҳаратат қилиш ишларида заарланиш юз беради. Келиб чиқишида зўраки ҳаракатларнинг жуда катта ва бошқа нарсалардан кўра кўпроқ дахли бор. Асаблар ҳаракат қуролидир, масалан арқон тортиш, оғир юк кўтариш, чўзишиш, қисқариш ва йиқилишга сабаб бўладиган ҳамма ҳаракатлардан зўраки ҳаракатлар содир бўлади. Асабларнинг аҳволи ҳақида уларнинг сезиш ҳаракатланишлари юмшоқ ва қаттиқ туюлиши, уларга мия ва умуртқаларнинг ҳамкорли оғриклиари ва асабларга хос моддалар, шунингдек, мия аҳволи белгиларининг кўпчилиги, яъни мия ишларининг зараланиши ва бошқа тегиб билишга асосланиб ҳукм чиқарилади. Асаб касалликларидан бирор касалликнинг ҳўл ё **Қуруқ (мижоздан) эканлиги шубҳали бўлса, унинг қандай пайдо бўлганлиги ўйлаб кўрилади:** у тўсатдан пайдо бўлса ҳўл мижоздан эканлигига шубҳа қилинмайди. Шунингдек, касал аъзонинг ёғни шимишига қаралади: агар ёғни тез шимса, касалнинг қуруқ мижоздан эканлиги шубҳасиз бўлади. Асабни даволашдаги энг яхши тадбир аъзони тозалашдан кейин қилинадиган бадан тарбиядир, ҳар бир аъзонинг ўзига яраша бадан тарбияси бор. Бадан тарбия енгилроғидан бошланади. Совуқ мижозга асабларни бўшатишда ҳамма ўсимлик ва ҳайвон ёғларининг қўйқаси, масалан: зайтун, зифир, кунжут, чигит, кунгабоқар ёғи суртилади, уларнинг қаттиқлиги юмшатилади.

Асабни яхшилашнинг давоси:

300 грамм ёнгоқ мағзига, 200 грамм қора кишиш майизини қўшиб гўшт майдалагичдан икки марта ўтказиб, ундан 3 маҳал 1 чой қошиққа 50 грамм сарёф қўшиб ейиш лозим (18 кун).

Асаб фаолияти иш қобилиягини оширади, мускуллар фаолиятини яхшилайди, бош оғриқлар қолади. Ошқовоқ илдизини қайнатиб, суви 18 кун 3 маҳал 50 граммдан ичилса, асаб касалига аниқ фойда қиласи.

1. Ошқовоқ илдизини 15 кун 3 маҳал қайнатиб 100 граммдан ичилса, фойда қиласи.
2. Хантални куруқлигича 15 кун 3 маҳал 1 таблетка катталигида истеъмол қиласа ҳам бўлади.
3. Исмалоқ, газанда ва бўтакўзни баравар қўшиб қайнатиб ичилса, шифо бўлади.
4. Бангидевона баргини куритиб, бурунга тортиб ҳидласа, тузалади (4–5 маҳал).



### ЗИЙРАК БЎЛИШНИНГ ТАДБИРИ

1. Киши зийрак бўлишни хоҳласа, ҳар куни асал қайнатиб 1 маҳал 50 граммдан еса яхши натижা беради (бу амал бачадон касалига ҳам фойда қиласи).
2. Хантал (горчица) талқони 1 маҳал саҳарда 1,5 граммдан капаланса, хотирани ўткир қиласи.
3. Омила талқони ҳам 1,5 граммдан 3 маҳал капаланса, хотирани ўткир қиласи ва қобилиятни яхшилайди.



### ТУТҚАНОҚНИ ДАВОЛАШ

1. Долчин талқонини 3 маҳал ярим чой қошиқдан илиқ сув билан ичилса, даво бўлади.
2. Бўтакўз ўсимлигини қайнатиб, 3 маҳал 50 граммдан ичилса ҳам фойда қиласи.
3. Балзамини бошига суртиш бош айланишига ҳам фойда қиласи.
4. Зира талқонини ярим чой қошиқдан 3 маҳал илиқ сув билан ичилса, фойда қиласи.
5. Тошкўмирни ёқиб, кулини бошга рўмол ёпиб ҳидласа ҳам шифо топади.
6. Эшак туёғи кулини 3 маҳал 1 таблетка миқдорида илиқ сув билан қўшиб ичилса, тузалади.
7. Бақатерак мевасини қайнатиб, 3 маҳал 50 граммдан ичилса, фойда қиласи.
8. Ҳайвонларнинг қорин сувини 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, фойда қиласи.

9. Девпечак қайнатмасини 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса ҳам фойда қиласди.

10. Қора, сариқ шувоқ қайнатмасини 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, шифо бўлади. Муддати 20 кун.

11. 20 кун 3 маҳал 5 донадан анжир ейиш фойда қиласди.

12. Дарахтларнинг чириган оқ илдиз талқонини 3 маҳал ярим чой қошиқдан капаласа, фойда қиласди.

Тузалгунча күён ва товуқ гўштидан бошқа гўштлар ейилмайди.



## ЎТ – ДАВО

Тўрт оёқли ҳайвонлар ўтининг энг кучлиси сигир ўтидир. Ўтларнинг ҳаммаси ўткир тозаловчиидир. Эркаклик ва урғочилик, очлик ва ташналик, сувга қониш ҳолати, тинчлик ҳолатига қараб ўтлар турлича бўлади.

1. Сигир ўти жароҳатларни ва қаттиқ оғриқларни қайтарувчи малҳамларга қўшилади. Таканинг ўти 3 маҳал 2 ҳафта суртилса, тутсимон ортиқча этни кеткизади. Шунингдек, қон томирлар кенгайишига суртилса (2 ҳафта 3 маҳал) фойда қиласди.

2. Така ва буқанинг ўти қулоқдаги ҳўл яраларга томизилса, фойда қиласди.

3. Ўтларнинг ҳаммаси буруннинг ҳид сезмаслигига томизилса, фойда қиласди. Фалвирсимон суюқдаги тиқилмаларни очади.

4. Ўтларнинг ҳаммаси кўз хиралашишида суртилса, фойда қиласди. Айниқса йиртқичлар ўтининг қуритилгани кўздан сув оқиши, катаракта ва кўз қорачиғи кенгайишига фойда қиласди. Кўз учун ўтларнинг энг фойдалиси тўрт оёқли ҳайвонлар ичиди кийик ўти, паррандалар ўти ичиди каклик ўти, балиқларнинг ичиди зогора балиқ ўтидир.

6. Эчкининг ўти шабкўрликка 3 маҳал 5 кун томизилса фойда қиласди.

7. Томоқ оғриғида асал қўшиб танглайига суртилса, фойда қиласди.

8. Ҳар қандай ўтни одам киндигига суртиб қўйса, ични суради.

9. Буқа үтига асал құшиб орқа яраларга суртилса, мояк халтасининг шишлирига чапланса, фойда қиласы.

## ОРИҚЛИКНИ ДАВОЛАШ

Ориқликка сабаб овқатда семиртирувчи модда ёки су-юлтирувчи модданинг йүқлиги, суюлтирувчи овқатни күп истеъмол қилишадыр (бунда баданда күп қон пайдо бўлмай қолади). Тоза қон пайдо бўлмайдиган овқат билан чекланаб туриш, бунга яна ҳазм құлувчи қувватнинг ёки озуқани аъзоларга тортувчи қувватнинг заифлиги ҳам сабаб бўлади. Уларнинг заифлигига эса мизож бузилиши, кўпинча бузилган совуқ мизож сабаб бўлади. Кўп ҳаракатсиз ётиш ҳам сабаб бўлади, бунда тортувчи қувват ухлаб қолади, жисмоний ҳаракатдан кейин яна яхши бўлади, жисмоний ҳаракат қилмай қўйилса, тортувчи қувват ҳатто мўътадил озуқани ҳам тортмай қўяди.

Ориқликка яна об-ҳаво ёқмаслиги сабаб бўлади, ёки талоқнинг катталашиб жигарни қисиши сабаб бўлади, бунда қоннинг кўпи талоқка тортилади, талоқ ва жигар орасидаги зиддият сабабли жигар қуввати заифлашади, гавдада гижжаларнинг кўпайиб тўдаланиб ётиши ёки хилтдан тери тешикларининг тўсилиб торайиши, совуқлик ё иссиқлик, ё фақатгина куруқлик натижасида тери тешикларининг бирикиб-буришиб торайиши ҳам ориқликка сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси ўз белгилари орқали билинади. Доимий равишда белни боғлаб қўйиш ҳам ориқликка сабаб бўлади.

Ориқликни даволаш учун яхши қон пайдо қиласидиган овқат берилади. Мизож бузилган бўлса, уни даволаш лозим. Уйқудан уйғониш биланоқ баданни ишқаш, уқалаш тортувчи қувватни уйғотадиган тадбирлардандир.

Агар ориқликка талоқ сабаб бўлса, талоқ даволанади, агар ориқлик гижжалардан бўлса, уларни тушаририлади. Ориқ кишини тинч қўйиб, ором берилади, кўрпа-тўшаги юмшоқ қилиб қўйилади. Соя жойга жойлаштириб хурсанд қилинади, хушбуй нарса ҳидлатилиб, совуқ нарсалар ичирлади. Чунки бу тадбирлар табиий қувватни жуда кучайтиради. Натижада, у озуқаларни яхши ишлатиб, чиқинди-

ларни ҳайдаб чиқаради. Булар эса семириш сабабларининг бошланғичидир.

Истеъмоли: турли ҳалимлар, умоchlар, ширгуруч, қовурилган гүшт, кабоблар ейиш керак. Чунки қовурилган гүшт қуввати қамалиб қолиб, шишик эт пайдо қилади, қайнатилган гүшт эса ғовак, тарқалиб кетадиган ва қарорланмайдиган эт пайдо қилади. Ўрдак, товуқ ва каклик гүштлари семиртиради, шакар қўшилган мағизлар ҳам шундай. Овқатдан кейин ҳаммомга тушиш озуқани баданга жуда тортирувчи ва семиртирувчи тадбирдир. Бадантарбия ҳам семиртирувчи тадбирлардандир. Бунинг ҳар бири енгил ва аста-секин қилинадиган мұytадил бадантарбия бўлиб, бироз дағал ҳамда қаттиқ ва юмшоқликда мұytадил лагта билан тез ишқалашдан кейин қилинади, айниқса, тери қизаргунча ишқалаш яхшироқ, шундай ишқалашдан кейин мұytадил даражада бадантарбия қилинади ва қисқа вақтга ҳаммомга тушилади, кейин баданни артиб, куруқ уқаланади, семиртирадиган дорилар суртилади.

1. Сув ва ҳавони алмаштириш семиртиришда кўзда тутилиши зарур бўлган нарсалардан биридир, чунки бу иккаласи кўпинча озиб кетишга сабаб бўлади.

2. Олтингугуртли маъдан сувлари ҳам озуқани бадан сиртга торгади. Жолинус озиб кетган бир қулни мана шутадбирни қўллаб семиртирган.

3. Маккай сано уруғ талқонини 20 кун 3 маҳал 1 таблет-кадай истеъмол қилса, семиртиришга яхши фойда қилади.

4. Ширин бодом мағзига баробар шакар қўшиб туйиб, талқонини қоронғи жойда сақлаб, 20 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан истеъмол қилинса,, қон босими меъёрлашиб, семириб, куч-кувват кўпайиб, ориқликдан халос бўлади.

5. Нўхатни сигир сутида бир кеча-кундуз ивитиб қўйиб, 3 маҳал 100 граммдан ейилади.

6. Ўсимлик мойи ва сариёф эритиб ичилади, кейин ичилган нарса баданга тарқалгунча чўмилиш лозим.

7. Бангидевона баргини олиб, сувда яхшилаб қайнатилади ва сувини докадан сузиб ўтказилади, сўнгра ўзини соядга куритиб хамир ўртасига қўйилади, у хамирни тандирдаги пишиқ фишт устига қўйиб нон қилинади. Хамир хурмо сингари қизарганда тандирдан олиб янчилади, 9

граммими олиб кунжут ва бодом талқонига аралаштириб, аралашмани 2 маҳал (эрталаб ва кечқурун) 1 чой қошиқдан истеъмол қилинади.

8. **Бангидевонани** олиб, бир кеча-кундуз 50 грамм сувда ивтилади, кейин қуритилади. Сўнгра сариёғга аралаштирилиб янчиладиган даражада қовурилади, устига тўрт барабар келадиган миқдорда пўсти арчилган ширин бодом ва шунча ёнғоқ ва шунча миқдорда шакар қўшилади. Ухлаш олдидан 25 граммдан истеъмол қилинади.



## МИЛКАКНИ ДАВОЛАШ

Милкак иссиқ чиқиқсимон шиш бўлиб, тиш ёнидан пайдо бўлади. Унинг оғриги зўр бўлиб, баъзида ярага айланниб кетиб, эт ейилишига олиб келади. Унинг ярага айланниб кетган хилидан бадбўй мөдда оқади. Кўпинча иситма ҳам чиқади. Буни даволаш ҳам бошқа шишларни даволашига ўхшайди.

1. Милкак бошланган пайтда унга иссиқ сирка шимдирилган латта ёки пахта қўйиш лозим. Жолинус иссиқ сиркани милкакка жуда фойдали, деб тавсия қилган. Сирканинг, айниқса, кепак ва арпа талқони қўшилгани касликнинг бошланишида жуда фойдали эканига шак-шубҳа йўқдир.

2. Янчилган мозини милкакка сепилса ҳам фойда беради.

3. Кулоқ чиркини мози талқонига аралаштириб, милкакка суртилса ҳам фойда қиласди.

4. Милкак касали авжига чиққанда ва мадда йиғишга яқинлашганда тузни куйдириб, зайдун ёғи билан қориб, милкакка суртиш керак. Бу оғриқни тўхтагади, маддаси чиқиб кетиши учун уни нозик ва кичик қилиб ёради. Ичидаги нарсалар чиқиб кетгач, ясмиқ, анор гули, қизил гул, олма ва дўлана талқонлари аралаштириб, 3 маҳал овқатдан кейин сепилса, фойда қиласди.

5. Миср бақиласининг талқонини асал билан қўшиб, 3 маҳал суртилса, фойда қиласди.

6. Милкак ярасига алоэ суви пахтага шимдириб 3 маҳал қўйилса, фойда қиласди.

## ОЁҚ ЁРИЛИШИНИ ДАВОЛАШ

1. Оёқ ёрилишида аввло уни узоқ вақт иссиқ сувга солиш, ҳайвон ёғлари, айниқса, эчки ва қорамол ёғи ҳамда мум билан бироз қулоқлаштирилган илик ёғ суртилса, фойда беради.

2. Канакунжут ёки поча ёғи суртилса, жуда яхши фойда қилади (10 кун 3 маҳалдан суртиш лозим).

3. Думба ёғини оловга тутиб томизилса ҳам жуда яхши фойда қилади.

4. Хинанинг исириқ қайнатмаси билан қориштирилганини суртиб боғланса ҳам фойда қилади. Узум шираси ҳам шундай хусусиятга эга.

5. Агар улар фойда бермаса, оёқни иссиқ сувга ювгандан кейин янчигб эзилган андиз сепилади.

7. Мум, кунжут ёғи, сақич ва суюқ мия елимини олиб ҳаммасини бир-бирига кўшиб оёқнинг ёрилган жойларига тиқилса, фойда қилади (2 маҳал, 10 кун).

8. Янчилган канакунжут унини озгина сув билан ҳамир қилиб, ёрилган товонга ёпиштириб қўйилади. Узоққа чўзилган, ярага айланган ёриққа канакунжут кунжарасининг ўзи яхши доридир.

9. Кўроғшин талқони, мум, зайдун ёғи ва асалдан барабар миқдорда олиб, қулоқ дори ясаб суртилса, фойда қилади.

Панжа ёрилишларини ҳам юқоридагидай қилиб даволаш яхши натижা беради.

## ЛАБ ЁРИЛИШИНИ ДАВОЛАШ

Иссиқ ёки совуқ шамолдан, мизож қуруқлигидан лаб ёрилиши мумкин.

Лаб ёрилишининг олдини олиш учун мумли суртмалар, чарви, илик, товуқ, гоз ёғлари суртилади ва лабга саримсоқ ва пиёз пўстлари ёпиштирилади. Даволашда ҳам юқоридаги амал қилинади (1 ҳафта 3–4 маҳал).

—————  
АХЛАТ ВА ЕЛНИНГ КУЧЛИ  
БАДБҮЙЛИГИ ВА УНИНГ ДАВОСИ

У хилтларнинг сасиши, сасиш хусусиятига эга нарсаларни, масалан, саримсоқ, таратезак, балдирғон ва арпабодиён, шунингдек, тухум истеъмол қилиш сабабли пайдо бўлади.

Лекин булардан бўлган сассиқлик ҳазм қилишни яхшилайдиган, ифлосликларни терига ва пешобга йўналтирадиган нарсалар, масалан, сариқ йўнғичқа қайнатмасини 10 кун 3 маҳал ичиш билан йўқолади, улар тер ва сийдикнинг, ахлатнинг бадбўйлигини кеткизади.

—————  
**ЎТДА КУЙГАННИ ДАВОЛАШ**

1. Тухумни чақиб у билан бир парча қўй юнги ҳўлланади ва куйган жой устига қўйилади. Бу териси шилиниб кетганларга ҳам фойда қиласди, куйган жойни совутади ҳам уни ачиштирмасдан қуритади.

2. Енгил вазндан кесакларни жуда ўткир бўлмаган сирка билан ҳўлланади (агар сирка ўткир бўлса, бир оз сув аралаштириллади) ва ҳосил бўлган лой куйган жойга суртилса, фойда қиласди. Агар яра билан бирга қабариқ пузфаклар бўлса, арпа уни, татим уни сирка билан қўшиб хамир қилинади ва яра жойларга суртиллади. Агар ярада қизиллик ва ҳарорат бўлмаса, унинг устига янчилган пиёз қўйилади. Агар қизиллик ва ҳарорат бўлса, янчилган арпа талқони билан қориштирилган семизўтни ёки янчиб асал билан аралаштирилган ясмиқни яра устига қўйиб боғланади. Агар ярада қизиллик бўлмаса, каптар тезагини каноп латтага ўраб то кулга айлангунча куидириллади кейин уни ёф билан эритиб ишлатилса, фойда беради.

3. Қайноқ сувдан бўлган куйишда қавариқлар чиқса, унинг устига тузланган зайдун сувини доимо куйиб турилади ёки куйган жойига туйилган аччиқтошни сирка билан аралаштириб суртилади. Ёки чучук мия илдизини олиб туйилади ва гул ёғи билан аралаштирилади, сўнг куйган жойга суртилса яхши фойда қиласди.

TERIDA PAЙDO БҮЛГАН ШИЛИНИШ  
VA OЁҚ КИЙИМИ УРИШИДАН ВУЖУДГА  
КЕЛГАН ЧАҚАЛАРНИ ДАВОЛАШ

1. Шилинган жойни шишишдан сақлаш учун татимни туйиб, асал билан аралаштириб, ўша жойга суртилади. Оёқ кийими уришидан вужудга келадиган ярани тузатадиган дорилардан яна бири қўзи ёки қуён ўпкасини олиб, яранинг устига ёпилади ёки эскириб қуриб кетган мол тери-сини куйдириб, ундан тушган кулдан яра устига сепилади. Агар у жойда шиш бўлса, шиш қайтганидан кейин дори сурисла фойда қиласди.
2. Пиёзни туйиб товуқ ёғи билан қоришириб, яра устига суртилганда ҳам фойда қиласди.
3. Ёки мозини куйдириб туйилса ва ўша яра устига сепилса, фойда қиласди.
4. Ар-Розий дейди: “Минишдан ёки бошқа нарсалардан баданнинг бирор жойи шилинса, дам олгунча ўз ҳолига кўйиб қўйиш керак. Кейин иссифи тушгунча ва яра юмшаб роҳатлангунча устига кўп совуқ билан ҳўлланган зифир латталар кўйилади. Бу латталар қуриши билан бошқа латталар кўйилади. Унда ачишиш бўлса, қўрошин упаси малҳами билан даволанади”.
5. Оёқ кийимининг уришидан бўлган шилинишда унинг устига янги иссиқ упа қўйиш фойда қиласди.
6. Этик пошнаси куйдирилади ва кули яра устига сепилади. Бу иш шилинишнинг шиши ва қизиллиги кетгандан кейин қилинади. Ёки мозини куйдириб, шилинган жойга кули сепилса, фойда қиласди.

БЕЗЛАРНИ ДАВОЛАШ

1. Гоҳо баъзи аъзоларда фундук ёнғоги ва булардан кичикроқ бессимон шиш пайдо бўлади. Кўпинча бу қўл кафти, билак, оёқ, болдир ва пешонада учрайди ва бошланадиган пайтида у қўл билан босилса, тарқалиб кетиб, кейин кўпинча яна қайталайди, баъзан эса қайталамайди.

Даволаш: Баъзан безни эзив парча қилиб, кейин устига оғир қўрғошинни қаттиқ қилиб боғлаб қўйилса, айниқса, қўрғошин тагидан қуида айтиб ўтилган тарқатувчи суртмадан суртилса, даво беради.

Оҳакдан 4 грамм, узум шарбатидан 2 грамм, табиий содадан 2 грамм, қизил кесакдан 1 грамм олиб, кўл сувида бир неча марта қайнатилади. Бу қайнатма қалай идишга солинади. Бу дори сўгал, без ва шуларга ўхшашлар учун фойдалидир (20 кун). Қўрғошинни без тарқалиб кетганидан кейин ҳам боғлаш керак, чунки у безнинг қайталашига қўймайди.

2. Гоҳо баданда бэзсимон тошмалар ҳам пайдо бўлади. Буларни иложи борича эзив, ичидаги нарсани чиқариб ташлаш ва устига қўрғошин боғлаб қўйиш яхши фойда қиласди.

## ХОЛДАН ТОЙИШ, ЯЪНИ АЪЗОЛАРНИНГ ЧАРЧАШИ

Бу кўп юришдан бўлади, барча аъзолар чарчайди, ҳатто киши ўрнидан туролмайди.

1. Ҳамма оёқ ва кўл тирноқлари ҳар қандай ёғ билан бўлса ҳамки, суртиб ёғланса, чарchoқлар ўша заҳотиёқ барҳам топади.

2. Ёзда киши совуқ сувга, қишида иссиқ сувга тушсинда, оёқ бармоқларидан то тиззасигача уқаласин, лекин бошқа аъзоларига сув қўймасин, шунда чарchoқ тарқалади.

## ЎПКА СИЛИНИ ДАВОЛАШ

1. Гулхайри баргидан	— 200 грамм
2. Арпабодиён уруғидан	— 200 грамм
3. Бўйимодарон гули	— 200 грамм
4. Сигирқўйруқ барги	— 200 грамм
5. Зигир талқони	— 200 грамм
6. Сумбула илдизи	— 200 грамм
7. Чучукмия илдизи	— 200 грамм
8. Индов талқони	— 200 грамм

9. Аңжир қоқи — 200 грамм  
 10. Игир илдизи — 200 грамм

Ҳаммасини құшиб, 15 литр ёмғир сувида аста-секин 10 дақықа қайнатиб, сузиб, 3 маҳал оч ҳолда овқатдан 30 дақықа олдин 50 граммдан 3 ой ичилса, касаллик тузалади. Иложи борича, ёзда ҳар куни 2 соат тол соясида ўтирилса, тузалиш тезлашади.

Пархезлар: қовун, маккажүхори, аччиқ, шүр ва совуқ нарсалар яхши бүлгүнча ейилмайди. Бу касал хавфли эмас, даволанса тузалади.

1. Қора андиз илдизини қайнатиб, 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, фойда қилади (25 кун).

2. Алоэ барг сувига баробар миқдорда асал құшиб қайнатиб, 25 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, шифо топади.

3. Гулхайри илдизи қайнатиб ичилса ҳам (3 маҳал 50 граммдан) шифо топади.

4. Қызылтасма тана қайнатмасини 3 маҳал 50 граммдан оч ҳолда ичилса, фойда қилади.

5. Зигир уругини қайнатиб, 3 маҳал 50 граммдан ичилса ҳам фойда қилади.

6. Аёл сутини 3 маҳал 50 граммдан ичилса, яхши шифо қилади.

7. Қирқбұғим ва тоғ райхонини құшиб, қайнатиб ичилса ҳам фойда қилади.

8. Эчки сутини ҳар куни 3 маҳал 100 граммдан ичилса ҳам фойда қилади.

## ТОШЛАРНИ КЕТКАЗИШ

1. Кашнич ўти ва илдизини құшиб қайнатиб, 10 кун 3 маҳал овқатдан 30 дақықа олдин, оч ҳолда, 100 граммдан ичилса, ўт тошига фойда қилади.

2. Беҳи сувига teng асал ва озгина сирка құшиб араплаштириб, оч ҳолда 15 кун 3 маҳал 100 граммдан ичилса, ўт тоши тушади.

3. Ўлмасүт (бузнач)ни 15 кун 3 маҳал оч ҳолда қуюқ чой қилиб ичилса, ўтда ва буйракларда кум бўлса тушади.

4. Гулли қорақош илдизи ва барги қайнатмасини 15 кун 3 маҳал 50 граммдан ичилса, буйрак ва ўтдаги тошларни тушаришга фойда қиласди.

5. Рўян илдиз қайнатмасини 15 кун оч ҳолда 3 маҳал 100 граммдан ичилса, буйрак ва қовуқдаги тошлар тушади.

6. Қизил атиргул қайнатмаси ичилса ҳам фойда қиласди (пешоб ва буйрак тошларига 15 кун оч ҳолда 3 маҳал 100 граммдан ичиш тавсия этилади).

7. Игир қайнатмаси ҳам ўт ва пешоб тошига 15 кун 3 маҳал оч ҳолда 100 граммдан ичилса, фойда қиласди.

8. Таратезак қайнатмаси ўт тоши, шамоллашга, пешоб тошига 15 кун 3 маҳал оч ҳолда 100 граммдан ичилса, фойда қиласди.



## ТОМЧИЛАБ СИЙИШНИ ДАВОЛАЙДИГАН ВА ИЧНИ СУРАДИГАН ДОРИЛАР

1. Фумбак дараҳт пўстлоғининг талқони 1 кунда 3 маҳал 1 ош қошиқдан капаланса, ични қаттиқ суради, орқасидан қовурма ёки қайнатма шўрва ичиш керак.

2. Ширинмия қайнатмаси балғам, пешобни кучли суради, 3 кун 3 маҳал 50 граммдан ичилса, фойда қиласди.

3. Абу жаҳл тарвузи илдиз қайнатмасини 5 кун 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин 50 граммдан ичилса, қийналиб сийишга фойда қиласди.

4. Рўян талқони 10 кун 3 маҳал 1 ош қошиқдан капаланса, сийдик йўли очилади.

5. Шарбош солингган долчин ичилса, пешоб қийналиб чиқишига яхши фойда қиласди (6 кун).

6. Мойчечак қайнатмаси пешобни кучли ҳайдайди (5 кун 50 граммдан оч ҳолда 3 маҳал ичиш керак).

7. Бақатерак мевасининг қайнатмасини 5 кун 3 маҳал оч ҳолда 100 граммдан ичилса, томчилаб сийишга яхши фойда қиласди.

8. Кийик ўти қайнатмасини 10 кун сийдик қийналиб чиқишига 3 маҳал оч ҳолда 100 граммдан ичилса, кучли ҳайдайди.

9. Нұхат пешоб ҳайдайды, қабзиятли кишилар, қарі кишилар қовурилған нұхатни күп истеъмол қылсалар фойда қиласади.

10. Пешоб тутилиб қолганда, райхон уруғи талқонини 10 кун қайноқ сув құшиб, 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилса, яхши фойда қиласади.

11. Сийдик қийналиб чиқишида ажриқ қайнатмасини 10 кун 3 маҳал оч ҳолда 100 граммдан ичилса, фойда қиласади.



## МУМ – ДАВО

Тоза мум ари уясининг муми бўлиб, қораси эса ўша ари уясининг чиркидир. Мум советувчи ва қиздирувчи малҳамларнинг ҳаммасига асос модда бўлади. Қора мумда чукурликдан кучли тортиб олиш куввати бор. У ўқ учларини ва тиканларни тортиб олади.

1. Мумни суюлтириб қаттиқ шишларга суртилса, фойда қиласади.

2. Қовжираган яраларни юмшатади, асаб томирларига суртилса, фойда қиласади.

3. Бош оғриса, қора мумни ҳидласа, кучли аксиритириб, оғриққа фойда қиласади.


4. Қора мум яланса ёки суртилса, гижжани йўқотишига фойда қиласади (3 маҳал 10 кун).

5. Эмизувчи хотинлар сутининг қотиб қолишига тўсқинлик қиласади (5 кун 1 маҳал тариқ катталигидай 10 дона ейилади).

6. Мумни гуруч, суюқ овқатларга 10 та тариқ катталигидай солиб ичилса, яраларга фойда қиласади.

7. Қора мумнинг қайнатмаси 15 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса аёллардаги миома касалига яхшигина фойда қиласади.

8. Заҳар ичилганда мум суртилса ва ичилса тортиб олади, мумни заҳарли ўқдан бўлган жароҳатларга суртилса, заҳар таъсир қилмайди.



## АЧЧИҚТОШ

1. Аччиқтошни ўз оғирлигича шарбат қуйқасига араплаштириб, сұнг қуритиб, тузалиши қийин бўлган яраларга суртилса, фойда қилади.
2. Ўзига баробар миқдорда оқ туз қўшиб, оловда куйганга суртилса, тузатади.
3. Ўзига баробар миқдорда данипаранг қўшилиб суртилса, темираткини тузатади.
4. Қайнатиб, оғиз чайилса, тиш оғрифи қолади.

## ТОВУҚ ВА ХЎРОЗ

1. Қари хўролар қалтироқ касалига даво бўлади. Панжаларини болдири билан эзив, кўп қайнатиб ичилса, пешоб тутилишига яхши шифо бўлади.
2. Сурункали иситмаларга шўрваси фойда қилади.
3. 5 ойлик жўжа эрлик уругини кўпайтиради.
4. Меъда касалига ҳам яхши даводир.
5. Шўрваси астмага фойда қилади.
6. Жўжа гўшти ақлни оширади. Қарисини истеъмол қиласа, бурун қони тўхтайди.
7. Шўрваси қалтироқ, қалтираш, бўғин оғрифига фойда қилади.

## ТОВУҚ ТУХУМИ

Бу ерда уй тухуми назарда тутилган. Ёз пайтида тухум тузда сақланса, бузилмайди. Сарифи ҳар хил одамларга мувофиқ келади ва озроқ иссиқликка мослиги бор. Оқи иккинчи даражали совуқ ва ҳўл.

1. Агар саригини чала қовуриб истеъмол қиласа, баданда сариқ пайдо бўлади, юрак, мия ва баданга қувват бағишлайди.
2. Қон қусиши, ичакларнинг ғадир-будурлигини, пешоб ва меъданни яхшилайди. Буйрак захларини ва ҳиқичноқларни яхшилайди (10 кун 3 маҳал қайнатиб ейиш тавсия этилади).

3. Тухум сарифини чинни ёки сопол идишда аралаштирилса ва кейин мис идишдаги сувда қайнатиб истеъмол қилинса, тезда ҳазм бўлади, йўтал ва қон қусишига барҳам беради. Агар сарифини хомлигича истеъмол қилса, илон чаққанини даф қиласи. Сарифини кўп истеъмол қилинса, зарари бор, буйракларда тош пайдо бўлиши мумкин.

4. Чала пишганини чақалоқларга сут ўрнида берилса яхши озиқ бўлади.

5. Чала пишган тухумни зигирнинг уруғ талқони билан истеъмол қилинса, бронхиал астмага фойда қиласи.

6. Товуқ тухумини сиркада пишириб истеъмол қилса, ични қотиради.

7. Товуқ тухумини пишириб, қизил гул ёғи ва арпа уни билан аралаштириб, пешонага боғланса, ёки суртилса, бурун оққанини даф қиласи, лўқиллаб оғриган кўзни яхши қиласи.

8. Тухумнинг ёғи суртилса, сочни ўстиради. Тухум ёғини олиш қуидагича: тухумни пишириб, оқини сарифидан ажратиб, тухум сарифини товада қиздирилса, тухум сарифи куяди ва ёғи ажралади. Тухумнинг оқини сариқ йўнгичка суви билан аралаштириб клизма қилинса, ичакларга фойдали таскин беради. Тухум оқини қизил гул ёғи билан аралаштириб аёллар ётиб яласа, бачадон лўқиллаб оғришини яхшилайди. Тухумнинг пўстини то оҳакдай бўлгунча қуидириб, асал билан аралаштириб, кўзга сурмадай суртилса, кўздаги доғни йўқотади.

9. Агар тухум оқини то қрайгунча қуидириб, най орқали бурунга пуркалса, бурундан қон кетишини тўхтади.

10. Тухумнинг пўчогини янчиб, 7 граммдан истеъмол қилинса, бадандаги бодни йўқотади (10 кун бир маҳалдан).

11. Янчилган пўчогига асал аралаштириб, сирка билан хамир қилиб суртилса, шишларни йўқотади.

12. Тухум пўчоги талқони суяклар синганда 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин 1 таблетка микдорида капаланса, оғриқлар қолади ва синган жойлар битиб кетади (муддати 15 кун, ишлатишдан олдин пўчоқ яхши қуритилади).





## КАПТАР

1. Ахлатини докага ўраб юракка қўйиб ётса, фарзанд кўради.
2. Каптар қони мия пардасидан келаётган бурун қонини тўхтатади.
3. Каптар қонини қуритиб, 2 кун 2 граммдан 3 маҳал капаланса, бурун қони тўхтайди.



## ҲАЙВОНЛАР ТЕЗАГИ

1. Эчки тезагининг қуритилганини юнг парчаси билан ўраб, фаржга қўйиб ётилса, бачадон оқмалари тўхтайди.
2. Қўй тезаги ширинчаларга сепилса, яхши таъсир қиласи.
3. Туя тезаги бурун қонаш, тутқаноққа фойда қиласи (тутуни ҳидланади).



## ПАНИРМОЯ (КАВШОВЧИ ҲАЙВОНЛАР ҚОРНИДАГИ СУЮҚЛИК)

1. Янги сўйилган мол қорнидаги йифилган ахлат суюқлиги бачадон бўғилишига, ичак ярасига фойда қиласи, ўпкадаги шишни, қотиб қолган қонни юмшатади.
2. Ичилса, тутқаноққа фойда қиласи.
3. Хотинлар ичса қон кетиш, қон оқишини тўхтатади.
4. Панирмоя ичилса қон, сут, ҳар бир қотган нарсани суюлтиради (15 кун 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичиш керак).



## КУЛ – ДАВО

1. Анжир кули солиб қайнатилган сув ёмон сифатли яраларга 10 кун 3 маҳал суртилса, тузатади ва яраларда бўлган ортиқча этни йўқотади, чуқур ва катта яраларга фойда қиласи, чунки ярадаги бузилган гўштларга етиб боради ва соғлом гўштни ўстиради. У жароҳатларни ёпишти-



радиган бошқа дорилар каби ёпиштириш хусусиятига эга.

2. Баъзан баланд жойлардан йиқилганда ва сяклар лат еганда кул солиб қайнатилган сув зайдун ёғи билан қўшиб ичирилса, фойда қиласди.

3. Анжир кулининг суви, айниқса, дуб (ёғочи) кулининг суви билан ҳар доим оғиз чайиб турилса, тиш милкини маҳкам қиласди.



### БУФУ ШОХИ

1. Кули ич кетиш, қон туфлаш ва истисқога (3 маҳал 1 таблетка миқдорда капаланса) фойда қиласди.

2. Кули кўзга суртилса, кўзга тушган касалик тўхтайди.

3. Кули милкларни мустаҳкам қиласди.

4. Кулига тиш ювилса, тишларни ярқиратади.



### ҚЎЗИЧОҚ ГЎШТИ

1. Гўшт кули кўзга оқ тушганга фойда қиласди, сурмадай қилиб суртилади (3 маҳал). Янги туғилгани яна ҳам фойдалидир.

2. Қовуриб истеъмол қилинса, ичак ва меъдага яхши даво бўлади.


3. Қуён гўшти тутқаноқقا даво ҳисобланади, тутқаноқ билан оғриган бемор илиқ сув ичиши шарт.



### КЎРШАПАЛАК-ДАВО

1. Бу жониворни кундуз куни учиб юрмаганлиги сабабли кўршапалак дейдилар. Шифобахшлик хусусиятлари шундаки, уни қайнатиб шўрваси ичилса, киши танасидағи кераксиз ифлосликларни, зардобни чиқариб ташлайди (муддати 25 кун).

2. Агар гўштини зайдун ёғига пишириб истеъмол қиласа, фалаж, қалтироқ, бўғинлар оғриганда, орқа йўли оғриганда фойда қиласди.



3. Ёғини сузиг суртса, эски фалаж, қалтираш, нафас қисиши, соч тўкилишига жуда яхши фойда қиласди.

4. Агар кўршапалак гўштини сувда қайнатиб, суви суртилса, тугилган нэшони очади ва равон қиласди.

5. Кўршапалакни куйдириб, кулини кўзга суртилса, кўзга тушган пардани даф қиласди.



## ТИЛЛО – ДАВО

1. Шифобахшлиги шундаки, агар уни истеъмол қиласа, бадандаги ифлос моддаларни чиқариб ташлайди.

2. Жигар, меъда, буйрак, ичак, бачадон, вас-vas, кўркув, сиқилиш, бош айланиши, сариқ касалига яхши даво бўлади.

3. Ич кетиш ва мохов касалликларига фойда қиласди.

4. Тиллодан сурма қилинса, кўз оғригини қолдиради, кўзнинг қалинлиги ва дағаллашганига фойда қиласди.

5. Тиллони оғриган тишга қўйса, оғриқни қолдиради, агар оғизга олиб турилса, оғиз ҳидини йўқотади.

6. Тиллони ун қилиб суртилса, фалаж касаллигига шифо бағишлайди, соч тўкилса, соқол тўкилса, пес касалликларига тиллонинг уни суртилса, фойда келтиради.

7. Тоза тиллони гўдакларнинг бўйнига осиб қўйса, уйқуда ётган гўдакнинг кўркувини йўқотади. Тоза тилло бўлса ва унга қараб турилса, юракка қувват бағишлайди. Агар тиллони истеъмол қиласа, пешоб йўли ва пешоб ҳайдаш йўлларига заар қиласди. Фойда қилиш учун асал ейиш керак.

